БАҲОРИНГ МУБОРАК БЎЛСИН УШБУ ДАМ, МЕНИНГ ЎЗБЕКИСТОН — ДИЛБАР ВАТАНИМ

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan | 2003-yil 22-mart, shanba | № 23 (7528)

НАВРЎЗ – УЙҒОНИШ ВА ЯНГИЛАНИШ РАМЗИ



Кўклам офтобининг заррин нурларидан баҳра олиб, ям-яшил майсалар, ранг-баранг гул-чечаклар билан безанган она заминимизга эзгулик ва бунёдкорлик айёми — Наврўз кириб келди. Шу ёруғ кунларда баҳорнинг илоҳий нафасидан табиат уйғониб, олам яшариб, борлиқ янгиланиши мисолида теварак-атрофимизда Наврўз руҳи, айниқса, тугал намоён бўлмоқда.

Наврўзи оламнинг беқиёс файзу тароватига монанд она Ўзбекистон гул ва кўркамлик тимсолидаги ўзгача кўрку фусунга бурканди, Ватанимиз жаннатмонанд гўшага айланди.

Наврўз — янги кун, демакдир. Наврўз — азал-азалдан аждодларимиз йилбоши деб қадрлаб, асрлар давомида эъзоз билан нишонлаган, халқимизнинг онгу шуурига, руҳиятига, бутун ҳаётига беқиёс таъсир ўтказиб келаётган ўзига хос, қутлуғ ва хосиятли айём.

Ушбу энг қадимий, ғоят ардоқли байрамимиз бизнинг дориломон замонда тобора янги руҳ ва янгича мазмун касб этиб бормоқда.

Бободеҳқон яхши ният билан ерга яна уруғ қадашга киришди. Қутбарака элчиси — Наврўз шукуҳидан барчанинг чеҳрасида яшариш, янгиланиш, бунёдкорлик кайфияти барқ уради. Дошқозонларда сумалак, ҳалим қайнайди, кўклам таомларининг иси димоқни қитиқлайди.

Шаҳар ва қишлоқларда, бепоён дашту далалар ва қир-адирлар бағрида, чаманзорга айланган боғроғлару гўзал хиёбонларда, бутун юртимизда яшаётган ватандошларимиз — миллати, тили ва динидан қатъи назар, бирдек аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб, Наврўзни баҳор ва хурсандчилик байрами сифатида нишонлаётир.

(Давоми 2-3-бетларда)

Президент Ислом Каримовнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун ўлкамизда қутлуғ айём.

Баҳор нафаси, янгиланиш, уйғониш руҳи тобора кучайиб, юртимизга кириб келмоқда.

Бугун гўзал водий ва воҳаларимизда, шаҳар ва қишлоқларимизда ёшу қари - барча юртдошларимиз доимо орзиқиб кутадиган Наврўзи оламга пешвоз чиқмоқда.

Бугун халқимиз ўзининг эркин ва озод ҳаётида Наврўз айёмини ўн иккинчи бор шоду хуррамлик билан байрам қилмоқда. Ушбу байрам тонгида мен мана шу муҳташам саройда жамулжам бўлиб ўтирган сиз азизларни, сизларнинг тимсолингизда:

(Давоми 2-бетда)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

ЎҚИГАН ИНСОН ҲЕЧ ҚАЧОН КАМ БЎЛМАЙДИ — 5-бет

ЯНГИ КУНДА ЯНГИ БИЛИМЛАР — 7-бет

СУМАЛАК ҲАҚИДА ҲИКОЯТ — 8-бет

БАҲОР ШУНАҚА ШИРИНМИ? — 9-бет

АЛКИМЁГАР *(Роман)* — 14-бет

"НАВРЎЗ" СКАНВОРДИ — 16-бет

Президент Ислом Каримовнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи

(Давоми. Боши 1-бетда)

табаррук оталаримиз ва мунис оналаримизни, муҳтарама опа-сингилларимиз, ака-укаларимизни, ҳаётга катта умид билан кириб келаётган ёшларимизни, баҳордай очилиб бораётган сулув қизларимизни, ёруғ оламга ҳайрат кўзи билан боқиб турган жажжи набираларимизни - бутун Ўзбекистон халқини Наврўз шодиёнаси билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Бизнинг бугунги қувончимизга шерик бўлаётган ҳурматли Меҳмонларимиз - хорижий давлатларнинг элчиларини, халқаро ташкилотлар вакилларини, уларнинг рафиқалари ва оила аъзоларини, байрам томошаларини дунёга намойиш этаётган чет эл ахборот воситаларининг ходимларини халқимиз номидан қутлаб, «Наврўзимизга хуш келибсиз!» деб айтишга ижозат бергайсиз.

Қадрли дўстлар!

Дунёда турли байрам ва айёмлар, тарихий саналар кўп.

Уларнинг барчаси маъно-мазмуни ва моҳиятига қараб ўз ўрни ва аҳамиятига эга.

Лекин, ҳеч шубҳа йўққи, ер юзида энг қадимий, шу билан бирга, энг навқирон айём бўлган Наврўз нафақат бизнинг минтақамизда, балки бутун Шарқ оламида катта шодиёна билан нишонланадиган гўзал байрамдир.

Бу ёруғ оламда чархи даврон айланар экан, табиатда тўрт фасл такрор ва такрор алмашиб келаверади. Ҳар бир фаслнинг ўзига хос зийнати, ўз фазилати бор. Аммо уларнинг ичида баҳор, Наврўз фаслининг шукуҳи, файзу таровати ўзгача.

Бу дилбар фаслда борлиқнинг уйғониши, жамики тирик жоннинг ҳаракатга кириши билан одамнинг юрагида ҳам янгиянги орзу ва интилишлар, шодлик ва қувонч, севги ва ҳаётга муҳаббат ҳислари уйғонади.

Табиатнинг ўзи бамисоли она каби бағрини очиб, ўз фарзандлари бўлмиш инсонларга меҳр улашади, барчани эзгулик ва яхшиликка чорлайди.

Баҳорнинг келиши одам зотига Оллоҳ берган умрнинг кўпкўп сирларини англаш, ўз бахтини ўз қўли билан қуриш, ҳаёт ва табиатнинг нафосати ва неъматларидан баҳра олиш учун дунёга келганини яна ва яна бир бор эслатади, бу ҳақиқатни беихтиёр хаёлимизга солади.

Шу маънода, ёрдамга муҳтож бўлганларга мурувват кўрсатиш, ҳамдард бўлиш, бева-бечора ва етим-есирларнинг пешонасини силаш каби олижаноб фазилатларнинг ҳаётимиздаги таъсирини янада кучайтириш, бугун қийинчилик ва етишмовчиликларни бошдан кечираётган ҳеч бир одамни эътиборсиз қолдирмаслик - барча-барчамиз, аввало, катта-кичик раҳбар ва мансабдорлар учун ҳам қарз, ҳам фарз эканини унутмаслигимиз айни муддао бўлур эди.

Лўнда қилиб айтганда, юртимизда ҳар қайси инсон, ҳар қайси оила ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам ёлғиз бўлиб қолмаслиги, унинг оғирини енгил қилишда давлатимиз ва жамиятимиз бундан буён ҳам мададкор бўлиши шарт.

Азиз дўстлар, биродарлар!

Юртимизга Наврўзи олам кириб келишини очиқ қалбимиз, пок орзу-умидлар билан қутлар эканмиз, биз бугунги нотинч дунёда буюк мақсадларимиз сари олиб борадиган йўлимизда кўп-кўп мураккаб муаммолар, синов ва қийинчиликлар дуч келиши мумкинлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим.

Айниқса, бугун узоқ ва яқин атрофимизда содир бўлаётган хавфли воқеаларни сезгирлик ва ҳушёрлик билан кузатишимиз, халқаро терроризм ва унинг ҳар қандай кўринишларига, оммавий қирғин қуролларини ишлатишга тайёр бўлган қабиҳ ниятларга қарши сергаклик билан муносабатда бўлишимиз зарур.

Жаҳондаги ҳозирги вазият барчамиздан огоҳ бўлишни, кечаги Афғонистон можаросини ечишда ким қандай сиёсат олиб боргани, кимларнинг, қандай буюк давлатларнинг ҳаракатлари ҳақиқатда юртимизнинг хавфсизлигини таъминлашга, жанубий сарҳадларимиз остонасидан ёвуз кучларни олиб ташлашга ҳал қилувчи ҳисса қўшгани ҳақида тўғри хулоса чиқаришни бугун ҳар биримиздан ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Мана шундай ҳолатларда ташқи ва ички сиёсатимизни тўғри ва оқилона олиб бориш нафақат бугунги манфаатларимизни, балки Ўзбекистонимизнинг эртанги кунини, узоқ эзгу мақсадларимизни кўзлаб йўл танлашимизни талаб қилади. Ва бу борада, аввало, ўзимизнинг куч ва салоҳиятимизга, қўшни давлат ва халқларнинг бирдамлигига, стратегик шерикларимиз билан бирга, уларнинг қудрати ва кўмагига суянган ҳолда келажагимизни кўрмоғимиз даркор.

Ҳурматли юртдошлар!

Буюк шоиримиз Алишер Навоий таъбири билан айтганда, Наврўз фаслида деҳқон ер ҳайдаб, уруғ сочади ва шу тариқа эл-юрт учун ризқ-насиба йўлини очади.

Азиз дўстлар, биродарлар, келинг, бугун - янги мавсум арафасида эл-юртимизни боқадиган деҳқонларимизга, барча меҳнатчиларимизга дилимиздаги самимий тилакларимизни изҳор этайлик: ҳамиша бахт ва омадингизни берсин, ҳосилингиз мўл бўлиб, хирмонингиз тўлсин, кўнгилларингиз тўқ бўлсин.

Ҳар биринғизнинг касб-корингизга, рўзғорингизга, умрингизга барака ато этсин.

Мана шундай хурсандчилик билан бошланаётган янги йилимиз юртимизга тинчлик, бахту саодат, ободлик ва фаровонлик олиб келсин.

Хонадонларимиздан қут-барака аримасин.

Қарияларимизнинг умрлари узоқ, эзгу дуолари ижобат бўлсин.

Фарзандларимизнинг камолини, иқболини берсин.

Наврўз байрами барчамизга муборак бўлсин!

(Давоми. Боши 1-бетда)

НАВРЎЗ —

Мустақиллик йиллари мамлакатимизда энг улуғ ва энг азиз айёмлар, жумладан, Наврўз шодиёналарининг азим пойтахтимизнинг сўлим масканларидаги улкан театрлаштирилган томошалар билан бошланиши хайрли анъанага айланган.

Наврўз шодиёналари муносабати билан Тошкентдаги "Ўзбекистон" спорт мажмуининг барча катта-кичик иншоотлари, саҳни, боғ-боғчасию йўл-йўлаклари байрамона безатилган. Мажмуанинг улкан зали маданият ва санъат аҳли билан гавжум. Ҳофизлар, раққосалар, дорбозлар, полвонлар, цирк артистлари, ҳунарманду усталар, чеварлар ўз маҳоратини намойиш этишга шай.



Бу ерга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри жамоатчилиги, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрган.

Соат 10.00. Залга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади. Мамлакатимиз раҳбарини байрам аҳли қарсаклар билан кутиб олади.

Байрам тантаналаридан дарак берувчи чорлов мусиқаси янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз халқини, меҳмонларни умрбоқий, файзли ва шукуҳли айём — Наврўзи олам билан муборакбод этади.

Саҳна узра Наврўздан дарак бериб майин наво таралади. Сарин куй оғушида кўз ўнгимизда кўкламнинг ажиб манзаралари намоён бўлади, турфа гуллар юз очади, булбуллар хониш қилади. Фасли баҳор ғамзалари, қушлар чуғур-чуғури, сувлар жилдираши билан табиатнинг уйғониш палласини мадҳ этувчи жонбахш мусиқий оҳанглар уйғунлашиб кетади.

Жарчилар элу юртни Наврўз сайлига чорлайди...

Наврўз — бунёдкорлик фасли. Юртимизда Наврўздан Наврўзгача, яъни йил давомида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ўтган йили мамлакатимизда 56 та ишлаб чиқариш объекти ишга туширилган бўлса, улардан 15 таси йирик корхона ва иншоотлардир. Бирбиридан ҳашаматли коллежу лицейлар, турар-жойлар, спорт иншоотлари, улкан кўприклар, равон йўллар қурилди, боғу роғлар, хиёбонлар барпо этилди.

Шундай бунёдкорлик салоҳияти дарёдек жўш урган халққа, албатта, байрам ярашади! Ватанимиз барча жабҳаларда эришаётган оламшумул зафарларни эса қанча тараннум этсак арзийди!..

Саҳнага миллатимиз давомчилари, келажагимиз эгалари — болакайлар кириб келади. Кичкинтойлар ўзларининг шўх-хандон қўшиқ-рақслари билан болалик оламининг гўзал ва бахтиёр онларини мадҳ этади. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, соғлом авлод орзуси — аждодларимиздан бизга ўтиб келаётган, қонқонимизга сингиб кетган муқаддас интилиш, мўътабар орзудир.

Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлур. Давлатимиз раҳбарининг ана шу ғоясини ҳаётга татбиқ этиш йўлида ўтган даврда соғлом авлод тарбияси энг устувор вазифа деб белгиланди ва давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Барча саъй-ҳаракатларимиз соғлом наслни, нафақат жисмонан бақувват, шу билан бирга, руҳи, фикри соғлом, имон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодларни тарбиялаб вояга етказишга қаратилган.

Жисми жонимизни орзиқтириб таралаётган ҳаётбахш мумтоз наволар мўътабар зотлар — миннатдор аждодларимизнинг миллат иқболи, авлодлар шижоати, ижоди ва бунёдкорлиги шарафига ёғдираётган олқишларига, байрам муборакбодига менгзайди гўё.

Ҳа, мустақиллик йилларида Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида улуғ аждодларимизнинг табаррук номларини тиклаш ва абадийлаштириш, буюк алломаларимизнинг таваллуд саналарини дунё миқёсида нишонлаш, уларнинг мустабид замонда оёқости бўлиб қолган мангу масканларини чинакам зиёратгоҳларга айлантириш борасида беқиёс ишлар амалга оширилаётир.

Қутлуғ заминимизда туғилиб вояга етган, муборак номларини бутун жаҳон аҳли катта эҳтиром билан тилга оладиган пири комил мутафаккирларимиз меросидан халқимиз, жумладан, ёшларимизнинг ҳам баҳраманд бўлишига, уларнинг мана шундай маънавий муҳитда камол топишига, бобокалонларимизнинг асарларига сингдирилган юксак инсонпарварлик фалсафаси, буюк ғоялари ёш авлод юрагидан ҳам жой олишига кенг шароит яратилмоқда. Бу йил ҳам юртимизда бир қатор буюк аждодларимиз таваллуд кунларини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўрилаётгани бу борадаги хайрли ва савобли ишлар изчил давом этаётганидан яққол далолатдир.

Наврўз — биз учун ўзаро меҳр-оқибат, қадр-қиммат, хайру саховат рамзидир. Ана шундай ёруғ кунлар кишини ўз яқинлари, маҳалла-кўй, қўни-қўшни, элу юрт билан баҳамжиҳат, меҳр-оқибатли бўлиб яшашга даъват этиши билан ҳам беҳад қадрлидир.

УЙҒОНИШ ВА ЯНГИЛАНИШ РАМЗИ

Обод маҳалла йили муносабати билан бу янглиғ юксак фазилатларни мукаммал эгаллаш баробарида, кам таъминланган оилалар, меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ёрдам бериш, шунингдек, етим-есир, бева-бечоралар, муҳтож кишиларга меҳрибонлик, саховат ва мурувват кўрсатиш янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мана шундай шукуҳли дамларда ҳар бир инсон табиатдан баҳра олишга интилади. Ўз навбатида, Наврўз кунларида юртни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга бел боғлаш каби барҳаёт қадриятлар халқимиз томонидан асрлар оша эъзозлаб келинаётир.

Биргина мисол. Вазирлар Маҳкамасининг аҳоли яшаш жойларини ободонлаштиришга доир кўкламги ишларни ташкил этиш ва Наврўз умумхалқ байрамини нишонлашга тайёргарлик кўришга қаратилган Фармойишига мувофиқ 15 март куни юртимиз бўйлаб ўтказилган хайрия ҳашарида 10 миллиондан ортиқ ҳамюртимиз иштирок этди. Шу куни 321 минг гектардан кўпроқ майдон ободонлаштирилди. Минглаб туп манзарали, мевали дарахт ва гул кўчатлари ўтқазилди. Ариқ, зовур ва бошқа сув йўллари тозаланди.

Байрам бадиий дастурларида халқимизнинг бундай эзгу анъаналари, ватандошларимизга хос ва мос гўзал фазилатлар, маҳаллалардаги ободончилик ва тинчлик-тотувлик, миллий урф-одатлар ва қадриятлар юксак пардаларда тараннум этилди.

Улкан монторда Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида амалга оширилган кенг кўламли яратувчилик ишлари, шаҳар ва қишлоқларимизнинг обод манзаралари ёрқин лавҳаларда намоён бўлади. Бутун юртимизнинг мафтункор, гўзал табиати, лолазору гулзорлари жамолидан кўзлар қувонади. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган бадиий жамоалар бирин-кетин ўз санъатларини, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос халқ ўйинларини, қўшиқ ва рақсларини намойиш этадилар.

Бахшилар айтишувлари, аскиячилар пайрови, дорбозлар, масхарабозлар, қўғирчоқбозлар, полвонлар санъати ва спорт мусобақалари уйғунлашган улкан театр томошаларида миллий қадриятларимиз, қадимий удумларимиз янада жозибалироқ, янада теранроқ мазмун ва моҳият касб этади. Азалий анъана ва урф-одатларимиз Наврўз билан нечоғли чамбарчас эканлиги бадиий лавҳаларда яна бир бор кўз-кўз этилади.

Айтиш жоизки, ана шу саҳна кўринишлари тимсолида маданий ҳаётимиздаги муҳим воқеалар — "Шарқ тароналари", "Бойсун баҳори" халқаро фестиваллари каби тадбирларни ташкил этишга қаратилаётган эътибор ўз ифодасини топган.

Миллий эстрадамиз юлдузларининг чиқишлари байрам тантаналарига янада кўтаринкилик бахш этади. Эстрада жанрида ижод қилаётган санъат усталари қатори истеъдодли ёш ижрочилар, Республика қўшиқ байрами кўрик-танловлари ғолибларининг, "Ниҳол" мукофоти совриндорларининг мумтоз санъатимиз оҳангларига уйғунлашган замонавий куй-қўшиқларида аждодларимизнинг барҳаёт мусиқа мероси ва қўшиқчилиги анъаналарига садоқати намоён бўлади. Ватан меҳри, баҳор, бахт, ҳаёт васфи, ёшлик ва муҳаббат туйғулари тараннум этилган жозибали оҳанглар мухлисларни мафтун ва масрур этади.

Кўклам наволари мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллатлар миллий маданият марказларининг байрам дастурларида янада теранроқ мазмун-моҳият касб этади. Зеро, Наврўз дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг ҳам ўзига хос шодиёнасидир...

Наврўз — юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги тимсоли. Шу маънода, ушбу айём дунёнинг ўнлаб давлатларидаги Ўзбекистон элчихоналари, ваколатхоналарида ҳам кенг нишонланмоқда. Байрамга ташриф буюрган юзлаб хорижлик меҳмонлар Наврўз таомларидан баҳраманд бўлиб, халқимизга хос миллий урф-одатлар билан танишаётир.

Байрам томошаларидан кейин Президент Ислом Каримов журналистлар билан мулоқотда бўлди.

— Халқимизнинг энг ноёб қадриятлари, эзгу урф-одатлари каби топталган, қатағонга учраган Наврўзни ҳам бугун Мустақиллик куни каби ўн иккинчи бор нишонлаб турибмиз, — деди Юртбошимиз. — Бу байрамнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, Наврўзда жамики тирик жон уйғонади, янги ҳаёт сари интилади. Ишонаманки, мустақиллик ҳаётимиздан тобора мустаҳкам ўрин эгаллаётгани каби Наврўз ҳам йилдан-йилга ўзининг янги-янги қирраларини намоён эта боради.

Ислом Каримов ёшларнинг давлат ва жамият қурилиши борасида тутган ўрни ҳақида сўзлар экан, "ёшлар — бизнинг келажагимиз" деган даъватнинг замирида жуда теран маъно-мазмун мужассам эканини таъкидлади.

— Кўп ҳолларда бизга янгича ўйлашга, мустақил фикрлашга, масъулиятни зиммага олишга, янги ҳаёт учун фидойилик кўрсатиб меҳнат қилишга халақит бераётган нарса — бу, эски замон асоратларидир, — деди давлатимиз раҳбари. — Ана шу эскилик сарқитларига барҳам берадиган, янгича дунёқарашга эга, фаол ва фидойи ёшлар ҳаётга тезроқ кириб келмоғи лозим.

Албатта, масъулиятли жойларда фаолият кўрсатар экан, дастлабки даврда ёш мутахассисларнинг тажрибасизликдан муайян қийинчиликларга дуч келиши табиий. Аммо фарзандларимиз ҳозирданоқ ишда, амалда тажриба орттириб бормаса, кейин қачон, қаердан ўрганади? Шундай экан, янги авлод ҳаётда тезроқ ўз ўрнини эгаллаши, масъулиятни дадил ўз зиммасига олмоғи керак.

Тошкетдаги Наврўз шодиёналари сунъий йўлдош воситасида дунёнинг кўплаб мамлакатлари телеканаллари орқали намойиш этилди.

Пойтахтимизда бошланган байрам тантаналари юртимиз шаҳар ва қишлоқларида давом этмоқда.

Гулом МИРЗО,
ЎзА шарҳловчиси
Суратларда тантанадан лавҳалар.
Абдувоҳид ТЎРАЕВ ва Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.

Bahorning shaydosi bo'lmagan inson topilmasa kerak dunyoda. Ayniqsa, bizning diyorda bahor o'zgacha jozibaga ega.

Navro'z tilaklari

— Ўз-ўзидан суҳбатимиз мавзуси фасллар келинчаги бўлмиш баҳорга, Наврўзга келиб қолди. Наврўз тайёргарлиги ҳақида бироз тўхталсангиз.

— Баҳор янгиланиш, покланиш даври эканлиги барчамизга маълум. Бу фасл ёшу қарига баробар севинч, бағуборлик ато этади. Наврўз ўз маъноси билан янги кундир. Бу кун олам бадиий ҳаваскорлик дастаси дилрабо куй, қўшиқлари билан дилларга завқ бахш этишади. Хуллас, юртимизга кириб келган Наврўз байрамини барча юртдошларимиз қатори биз, қўқонликлар ҳам хушкайфият, хушчақчақлик билан кутиб олаяпмиз.

— Республикамиз, зиёлиларига байрам тилагингиз.

— Мен уларга, аввало, соғлиқ-саломатлик тилайман. Юртдошларимизнинг барчаси баҳор лоласидек гулгун яшнаб юришларини Оллоҳдан сўрайман. Зиёлиларга эса ҳар қандай шароитда ҳам энг шарафли касб эгалари эканликлари, бу билан фахрланиш туйғуси тарк этмаслигини, ижодий машаққатли меҳнатлари мевасини доимо кўриб юришларини тилайман. Бизнинг меҳнатимиз мевалари, келажагимиз ворислари баркамол авлоддир. Юртимизни тинчлик-хотиржамлик тарк этмасин.

«Маърифат» орқали барча илм-маърифат аҳлига, юртдошларимизга энг эзгу тилакларимни билдирар эканман, ушбу камтарона шеъримни Наврўз туҳфаси сифатида қабул этгайсизлар:

ШУКРОНА

Мен фарзандман, имконим,
камолотим билан яралган!
Мен шогирдман, ихлосим,
садоқати билан яралган!
Мен устозман, бардошим,
матонатим билан яралган,
Мен аёлман, оналик
шаҳодатим билан яралган.

Оллоҳ менга олтин эмас,
бир тўкис бахт ато
этди.
Севимли ёр, ўғилу қиз,
солиҳ фарзанд ато
этди,
Шукрким, эгизак набира,
асалу қанд ато этди,
Мен онаман, Оллоҳнинг
саховати билан яралган!
Ҳалол меҳнат гашти бирлан
топдим жамиятда ўрин,
Олий унвон насиб этди,
Умрим бўйи фан боғидан
марварид гул дасталадим,
Риёзиёт, алжабрга шеър,
қўшиқ, куй, басталадим,
Ушбу ёниқ сатрларни Ватан
ўзингга атадим,
Мен қизингман, имоним,
садоқатим билан яралган!

Суҳбатни "Маърифат"нинг махсус мухбири Акрамжон ТУРСУНАЛИЕВ ёзиб олди.

ҚУТЛОВЛАР ЙЎЛЛАЙМИЗ ҲЎҚАНДИ ЛАТИФДАН

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ МАНЗУРАХОН МАДАЛИЕВА БИЛАН СУҲБАТ

ТАЛАБАНИНГ ИЖОДИЙ КЎРГАЗМАСИ

Яқинда Тошкент давлат педагогика университетида "Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси" йўналишида таҳсил олаётган университетнинг 1-курс талабаси, ёш истеъдодли рассом Фазлиддин Бердиевнинг ёш ижодий кўргазмаси намойиш этилди.

Кўргазма рассомнинг турли мавзуларда ва турли вақтларда ишлаган натрюморт ва портретларидан иборат эди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ёш рассомнинг кўргазмасида намойиш этилаётган тасвирий санъат асарлари орасида Баҳор ва Наврўз мавзуси етакчилик қилди.

Кўргазмага университет талабалари, рассомнинг ота-онаси, дўстлари ва устозлари ташриф буюришди.

— Ушбу ижодий ишимни, — дейди биз билан суҳбатда Фазлиддин, — Наврўз байрамига туҳфа тариқасида тақдим этаман. Шунингдек, устозларим Обиджон Тошмуҳаммедов ва Абдулҳақ Абдуллаевларга рассомлик сирларини ўргатиб, шу даражага етиб келишимга қўшган ҳиссалари учун ўз миннатдорчилигимни изҳор этаман.

Кўргазма апрелга қадар давом этиши кўзда тутилган. Барча тасвирий санъат шайдолари ТДПУ музейлар мажмуасида ёш рассом Фазлиддин Бердиев ижодидан баҳраманд бўлишлари мумкин.

МУХБИРИМИЗ Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

Шодлик ва баҳорий кайфиятни уйғотган Наврўзни кутиб олишга бағишланган байрам тадбири Навоий ДПИ талабаёшлари ўртасида ҳам ўтказилди. Тадбирда сўзга чиққан вилоят ҳокими Баҳриддин Рўзиев барчани Наврўз билан табриклади. Ушбу институтда таҳсил олаётган "Универсиада — 2002" ғолибларининг 11 нафарига вилоят ҳокимлигининг қимматли мукофоти топширилди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, НДПИ талаба-спортчилари Бухорода бўлиб ўтган универсиадада жами 41 та медални қўлга киритган.

ГУЛ ВА СОҒИНЧ БАЙРАМИ

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан Наврўз байрамига бағишлаб Навоий шаҳрида белбоғли кураш, катта теннис, бадиий гимнастика, сузиш бўйича мусобақалар ўтказилмоқда. Шунингдек, Конимех туманида волейбол, Навбаҳорда қўл тўпи, баскетбол, Карманада стол тенниси, Нуротада футбол, Хатирчида шахмат, Зарафшон шаҳрида кураш бўйича ўтказиладиган мусобақаларга 18 мартдан старт берилди. Мусобақалар 30 март кунигача давом этади. "Мусобақада юқори кўрсаткичга эришган жамоалар ва шахсий биринчилик ғолиблари ҳомийлар томонидан таъсис этилган мукофотлар билан тақдирланадилар", дейди вилоят спорт қўмитасининг раиси Ибодулла Раҳмонов.

Моҳинисо ПЎЛАТОВА

Do'stlik rishtalari

АФҒОНИСТОН ЁШЛАРИГА ЁРДАМ

Ўзбекистон ва Афғонистон ёшлари ўртасида дўстона алоқаларни ўрнатиш, қўшни мамлакатда олиб борилаётган маданий ҳамда маърифий ислоҳотларни такомиллаштириш мақсадида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва "Бунёдкор" ёшлар телеклуби ташаббус билан чиқди.

Айни пайтда Афғонистонда тўрт ярим миллион нафарга яқин мактаб ёшидаги болалар бўлиб, шундан бир ярим миллион нафари мактабда билим олмоқда. Қолганларига энг зарур ўқув қуроллари етишмайди. Ана шу муаммони бартараф этиш мақсадида республика "Ёшлар" телеканали қошидаги "Бунёдкор" телеклуби аъзолари "Ўзбекистон ёшларининг Афғонистон ёшларига ёрдам" дастури лойиҳасини ишлаб чиқдилар.

Мазкур лойиҳа асосида ёшлар афғон дўстларига беғараз ёрдам кўрсатиш ташаббусини қўллаб-қувватламоқдалар. Андижонлик Сардорбек Нуриддинов ва унинг дўсти Элёрбек Ҳотамовлар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг фаоллари сифатида бу борада кенг тарғибот ишларини олиб бормоқдалар.

Айни пайтда бу икки йигит вилоятдаги ўндан ортиқ ўқув даргоҳларида бўлишиб, лойиҳанинг асосий мазмун ва мақсадларини тушунтиришяпти.

—Инсонпарварлик ёрдами учун кўп нарса керак эмас, — дейди Сардорбек Нуриддинов. — Ҳар бир талаба йигит-қиз имкон даражасида дафтар, қалам, китоб келтириб берсалар, кўзлаган мақсадимизга етишимиз мумкин.

Шу кунларда Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти, Андижон шаҳридаги қатор ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари жумладан, иқтисодиёт, молия ва иқтисодиёт, тиббиёт, алоқа, ўрта ва кичик бизнес, саноат, миллий касб-ҳунар коллежлари, Андижон муаллимлар тайёрлаш билим юртида "Бунёдкор"чиларнинг ташаббуслари маъқулланди. Андижон Давлат тиллар педагогика институти қошидаги лицей-интернат ўқувчилари эса кўплаб ўқув қуролларини жамғариб қўйдилар.

Ёшларнинг инсонпарварлик ёрдамлари жамланиб бўлгач, афғон ёшларига совға сифатида юборилади.

О.СИДДИҚОВ

Mehmonxona



У 1970 йил 17 сентябрда Тошкент шаҳрида туғилган. Футбол бўйича ўсмирлар ўртасида Жаҳон (1987 й.) ва Европа (1987 й.) чемпиони. XII Осиё ўйинлари ғолиби. Ўзбекистон ва Россия чемпиони. Ўзбекистон кубоги соҳиби. Ўзбекистоннинг энг кучли тўпурари ва энг яхши футболчиси (1993, 1998, 2001 йиллар). У хориж жамоаларида юртимиз футбол мактабининг ўзига хос жиҳатларини намойиш этиб, энг яхши футболчилар сафидан ўрин олиб келган.

Оилали, 3 нафар фарзанднинг отаси.

Ашаддий футбол ишқибозлари бу сўзларимиздан таърифланаётган шахс номини аллақачон билиб олдилар. Демак, бугунги меҳмонимиз — Миржалол ҚОСИМОВ.

Миржалол ҚОСИМОВ:

ЎҚИГАН ИНСОН ҲЕЧ ҚАЧОН КАМ БЎЛМАЙДИ

— Инсон тафаккурининг ривожланишида бадиий адабиётнинг ўрни беқиёс. Сиздан бунга муносабатингизни сўрамоқчи эдим. Умуман қандай асарларни кўпроқ мутолаа қиласиз? Асосий мавзуси футбол бўлмаган матбуот нашрларини ҳам кузатиб борасизми?

— Муносабатим албатта яхши. Лекин, биласизми, ўқиган бадиий адабиётларим хусусида гапирадаган бўлсам, асосан рус ва жаҳон классик асарларини кўпроқ мутолаа қилганман. Кейинги вақтда ўқиганларим бу Александр Дюма асарлари. Матбуот нашрларидан эса, тўғрисини айтсам, спортга оид газета-журналларни ўқиб бораман. Хориж жамоаларида ўйнаган маҳалларимда менга мамлакатимизда чоп этиладиган спорт нашрларини жўнатиб туришарди. Улардан юртимиздаги спорт соҳаларида бўлаётган янгиликлар ва ўзгаришларни билиб борардим.

— Мактаб, ўқувчилик даври инсон неча ёшга киришдан қатъий назар кўнгилда яшайверади. Ўқувчи Миржалол Қосимовнинг илк орзуси нима эди? Умуман, бу даврни эслаганда нима кўнглингизни кўпроқ шод этади-ю, нима безовта қилади?

— Шайхонтоҳур туманидаги 157-мактабда ўқиганман. Биринчи ўқитувчим Маҳбуба исмли опа эди. Директоримиз Каромат опа эдилар. Ёшлигимдан спортга — футболга қизиққанман. Лекин, мактабда ўқиб юрган вақтларимда ўқитувчилар менинг доимо дарсга қатнашиб, берган билимини оқлашимни истардилар. 10 ёшимдан футбол билан шуғулланиб бошлаган бўлсам, кейин туман, шаҳар, республика жамоаларида ўйнагандан сўнг собиқ иттифоқ миқёсидаги мусобақаларда ҳам қатнаша бошладим. Бу эса менинг 3-4, ҳатто, ҳафта — 10 кунлаб уйда, мактабда бўлмаслигим дегани эди. Шу боис, бир куни Гулнора опа деган синф раҳбаримиз "Миржалол, сен спортни танладинг, шунинг учун энди бирор бир спорт мактабига кира қол", деди. Албатта, спорт мактабида ўқиётганимда ҳам ўқишни сусайтирмасликка интилардим. Ота-онам ҳам бу борада мени назоратда тутишарди. Чунки, аксарият спорт билан шуғулланадиганларда "спортчи бўламан, ўқиш унчалик зарур эмас" деган ақида мавжуд бўлади. Мен эса бундай қилмаганман.

Саволингизнинг иккинчи қисмига келсак, албатта, дарсига қатнашмаган ўқувчидан ўқитувчиси ранжиши мумкин. Бироқ ҳар ҳолда ўша вақтда ўқитувчиларимни қаттиқ ранжитган ва бугун эсласам мени безовта қиладиган ҳолат бўлмаган. Лекин, муаллимларимни хурсанд қилган воқеалар ҳам бўлган. Масалан, мактаб жамоасида туман, шаҳар мусобақаларида ғолиб бўлганимизда улар бизни самимият билан қутлашарди. Чунки бу ҳам мактаб обрўсига таъсир кўрсатарди, албатта. Хуллас, муаллимларимдан мамнунман.

— Мактабни тугатаётганингизда мустақил ҳаётни қандай тасаввур қилгансиз ва ўйлаганингиз ҳақиқатга нечоғли яқин ёки йироқ чиқди?

— Мактабни битираётганимда ўша пайтдаги барча ўсмир футболчилар каби "Пахтакор" жамоасининг асосий таркибида тўп суришни истаганман. Сир эмас, ўша вақтлар собиқ иттифоқ олий лигасидаги кучли жамоалар билан юртимиздан фақат "Пахтакор" ўйнаб келган. Бевосита саволингиз маъносига келсак, ўша даврда нафақат футбол, балки бошқа барча спорт турлари бўйича ҳам тўғридан-тўғри Ўзбекистон номидан дунёга чиқиш мумкин эмас эди. Ваҳоланки, исталган спорт тури бўйича маҳоратли қанчадан-қанча спортчиларни топиш мумкин эди. Демоқчиманки, мустақилликкача ва мустақилликдан кейинги Ўзбекистон спорти орасидаги ҳақиқат ҳамда тафовут бир-биридан жуда катта фарқ қилади.

— Ҳақиқатни деб панд еган пайтингиз бўлган бўлса, ўзингизни қай тарзда нима билан овутгансиз?

— Футболни ҳаётим деб биламан. Шу боис 1996 йил қаттиқ жароҳат олиб, маълум вақт футболдаги аччиқ ҳақиқатни тотиб кўрганман. Жароҳат футболдаги энг аччиқ ҳақиқатдир. Айни ўйнаш керак бўлган ёшингда майдондан четда туриш кишига қаттиқ таъсир қилар экан. Ўша пайтда мени оила аъзоларим, дўст-биродарларим қўллаб-қувватлаб туришди, албатта. Лекин, спортчи учун бунинг ўзи етарли эмас деб ўйлайман. Негаки, жароҳат спортчининг спортдан бутунлай кетишига сабабчи бўлиши ҳам мумкин. Бунда спортчига ўзидаги ирода, матонат катта ёрдам беради. Албатта, мен ҳам руҳан тушкунликка тушмадим. Лекин, бир ярим йил майдондан четда туриш ҳар қандай спортчи учун катта йўқотиш саналади. Мен айни гуллаган давримда шунча вақт футбол ўйнай олмаганим учун афсусланаман.

— Футбол бугунги кунда шубҳасиз дунё аҳлининг энг кўп қисми қизиқадиган спорт тури саналади. Лекин, ўзбек футболи ўтган йили ўзининг 90 йиллигини нишонлаган бўлса-да, байроқ қилиб кўрсатадиганимиз 1994 йилги Осиё ўйинлари бўлиб келмоқда. Айни пайтда, назаримда ундан-да юксакроқ натижаларга эришиш учун вазият етилиб бораётганга ўхшайди. Бу ҳақда Сизнинг фикрингиз.

— Албатта, 1994 йилги Осиё ўйинларида иштирок этишимиз мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейинги дастлабки катта қадам бўлган эди. Осиё ўйинлари бўлиб ўтаётган вақтларда давлатимизни ҳали кўпчилик рақибларимиз билишмас эди. Футбол мусобақасининг финал учрашувида Хитойга қарши тўп сураётганимизда ҳатто японлар ҳам бизнинг давлатимиз байроғини кўтариб, бизни қўллаб-қувватлаётганда барча ўйинчилар дилимизда фахр туйғусини туйганмиз ўшанда. Демоқчиманки, спортда муваффақиятга эришиш давлатнинг катта ёки кичик ёшдалигига қарамайди. Албатта, Хиросимада кўрсатилган ўша натижа футболимиз шоҳсупасининг сўнгиси бўлиб қолмайди. Ўтган йили ёшлар терма жамоамизнинг мустақил давлатлар ҳамдўстлиги футболидан ягона вакил сифатида жаҳон чемпионатига йўлланмани нақд қилгани, қолаверса, "Пахтакор"нинг Осиё чемпионлари лигасидаги муваффақиятли юриши **(хабарингиз бор, "Пахтакор" яқиндагина Тошкентда ўтказилган гуруҳ баҳсларида биринчи ўринни қўлга киритиб, ярим финалга йўл олди — муаллиф)** юртимизда яна футбол байрами бошланаётганидан дарак беради, деб ўйлайман.

Шу ўринда ёшлар терма жамоамизнинг Бирлашган Араб Амирликларида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатидаги рақиблари кучи тўғрисида тўхталмоқчиман. Албатта, рақиблар кучли, лекин бизнинг футболчилар ҳам ўз-ўзидан бундай натижага эришгани йўқ. Қолаверса, ёшларимизнинг маҳорати чархланади. Ҳар қандай учрашувда, ҳар қандай рақиб билан курашаётганида спортчида албатта ҳаяжон бўлади. Лекин, футболчи уни меъёрида тўхтата олиши лозим. Мана мен ҳам ҳозиргача ҳар бир учрашувга ҳаяжон билан тушаман. Агар футболчида бу туйғу бўлмаса, унда футбол ўйнашининг кераги йўқ.

— Маълумки, айни пайтда миллий терма жамоа Равшан Ҳайдаров мураббийлигида фаолият юритмоқда. Лекин шу кунга қадар ҳам бирор бир кучли терма жамоалар билан деярли учрашув ўтказилмади. Бунга нима билан изоҳ бериш мумкин? Яна шуни айтишим жоиз: Равшан аканинг "Трактор" жамоасидаги фаолиятини ҳамма билади. Яъни мамлакатимиз чемпионатларида ҳар йили 10-поғона нари-берисида юрган жамоа мураббийининг бутун бир давлат терма жамоаси мураббийлигига ўтиши... Албатта, бу мураббийнинг назарий билимига шубҳа қилмаймиз, лекин... Ҳар бир мураббийда ғолиблик руҳи доим устун бўлиши керак, деб ўйлайман. Мана, яқиндан бошлаб Антич инқироз кўчасидаги "Барселона"ни яна юқорига етакламоқда...

— Равшан ака ҳақида гапирадиган бўлсам, аввало шуни таъкидлайман: бу ерда фақат мамлакат чемпиони бўлган жамоа мураббийини миллий терма жамоа мураббийи қилиш лозим, деган хулоса чиқмаслиги керак. Хорижда ҳам шундай. Шундай экан, мамлакатимиз миллий терма жамоасининг ҳозирги бош мураббийси ҳам ўз-ўзидан сайланмаган албатта. Бундан мақсад,биринчидан, у маҳаллий мутахассис ҳисобланса, иккинчидан, узоқни кўзлаб қилинган иш бу. Қолаверса, буни футбол дейдиларки, унда ютуқ ҳам, мағлубият ҳам бўлади. Мана масалан, бирор бир европалик машҳур мураббийлардан бирини олиб келиб, ундан фақат ютуқ талаб қилиб бўлмайди-ку! Шунинг учун, яна айтаман, миллий терма жамоамиз мураббийининг тайинланиши, фақат бугунни ўйлаб қилинган иш эмас. Асосий мақсад, ЖЧ-2006 га муносиб ёшларни тайёрлаб бориш. Чунки, ҳозирги ёшлар терма жамоаси футболчилари айни ўша даврда ўртача 23-25 ёшларда бўлишади. Ва бу спортчи учун юксак натижаларга эришиши мумкин бўлган давр саналади. Бироқ гап фақат мураббийда ҳам эмас, футболчиларга ҳам боғлиқ.

Ғолиблик руҳи эса нафақат мураббийда, балки футболчиларда ҳам доим устун бўлиши керак. Чунки, майдонга ютқазаман деб, чиқмайди ҳеч ким. Айрим ўйинчилар кўнглидан "рақиб кучли, барибир ютқазамиз" деган ўй ўтиши мумкин. Шу ўйинг ўзиёқ ўша футболчидаги ҳаяжонни меъёридан ошириб юбориши турган гап. Шунинг ўзиёқ, ҳатто бутун жамоага таъсир қилиб, дуранг учунгина (очко олиш илинжида) майдонга тушган жамоанинг мағлуб бўлишига сабаб бўлиши мумкин.

— Яна бир ҳолат: мамлакатимиз терма жамоалари аксарият ҳолларда бирор бир жиддий мусобақа бошланишига оз вақт қолгандагина ҳаракатга тушиб қолади...

— Биласизми, терма жамоаларда ўйновчи футболчиларнинг бири юртимизда ўйнаса, яна бири Россияда, бошқаси Қозоғистон жамоаларида ўйнаши мумкин. Ҳар учала давлат чемпионатлари тақвими эса, табиийки, бир-бирига тўғри келмайди. Бу эса, терма жамоалар вакилларини тез-тез, доимий равишда чақириб туришга тўсқинлик қилади. Бу масала ҳар қандай жамоада мавжуд. Масалан, мана сиз айтган "Барселона"ни олайлик. Унинг қайсидир ўйинчиси голландиялик бўлса, яна қайсиси аргентиналик.Улар ҳам жамоаси шарт-шароитига қараб, ўз миллий терма жамоалари ихтиёрига асосий мусобақага бир ёки икки кун қолгандагина бориши мумкин.

— Футболчи учун катта футболдаги ҳаёт узоғи билан йигирма йил давом этиши мумкин. Сўнгра у мураббий сифатида фаолиятини давом эттириш имкониятига эга бўлади. Айтмоқчи бўлганим, у футболчи сифатида юлдуз бўлиши мумкину мураббий бўлгач, юқори натижаларга эриша олмаслиги мумкин. Бу хусусда нима дея оласиз?

— Футболчи катта футбол билан хайрлашгандан сўнг, бизнес ёки бошқа соҳага ҳам кириб кетиши мумкин, айтиб бўладими? Бу ҳам худди мактабни тугатгач, бирор олий ўқув юртида ўқиб, уни битиргандан сўнг умуман бошқа соҳада ишлаётган кишига ўхшайди. Ҳозир бунақалар кам деб ўйлайсизми? Шунингдек, лекин умрида футбол ўйнамаган яхши мураббийни ҳам учратишингиз мумкин. Ҳаёт шуниси билан қизиқ-да! Лекин ҳаётда, айниқса, спортда омад муҳим аҳамият касб этади.

— Жорий йилда "Пахтакор-79" жамоаси авиаҳалокатига 24 йил тўлади... Ўша жамоа футболчиларини бевосита стадионда кузатганмисиз, яъни уларнинг ўйинига қандай баҳо берган бўлардингиз?

— Бу жамоанинг ўйинларини фақат телевизор орқали кузатганман. Ўша пайтда 8-9 ёшларда бўлганим учун унчалик ҳис қилмагандирман-у, лекин ҳозир ўйласам, футболчилар жуда кучли бўлишган. Ҳозирги "Пахтакор" билан қиёсласак, мен ўша пайтдаги "Пахтакор"ни кучли деб ҳисоблайман.

— Сиз футболчи сифатида кўплаб хорижий давлатларда бўлгансиз, яшагансиз. Бундай вақтда албатта фарзандларингиз таълим-тарбияси билан шуғулланишдан ҳам йирокда бўласиз. Айтингчи, уйда вақтингизда ўғилларингизнинг ўқишини текширишга қанчалик вақт ажрата оласиз?

— Албатта, фарзандларимнинг ўқишини мунтазам равишда кузатиб, кундалик дафтарларини текшириб бораман. Негаки, фарзанди таълим-тарбияси билан шуғулланиш отанинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Чунки, инсон тафаккури шу даврда шакллана боради, қолаверса, мактаб даврида эгалланган билим киши ҳаётида энг муҳим ва таянч билим сифатида ўрин тутади. Шу боис фарзандларимни қўшимча равишда ҳам ўқитаяпман. Ўқиган инсон ҳеч қачон кам бўлмайди. Албатта, улар спортга ҳам қатнашишади. Бу ҳам жуда муҳим.

— Суҳбатимиз улуғ айёмлардан бири — Наврўз байрами шукуҳи давом этаётган кунларда бўлиб ўтаяпти...

— Наврўзни халқимиз яхши кўришади. Чунки, таровати бошқачада! Лекин бу байрам нишонланаётган маҳалда юртимиз ёки бошқа давлатда айни футбол чемпионатлари бошланиши боис, халқ сайилларида доим ҳам қатнаша олмаймиз. Хорижда ўйнаган пайтларимда ҳам, Наврўз куни ҳар ҳолда сумалак пиширмаганмиз (кулади).

Халқимизни ушбу байрам билан чин кўнгилдан қутлайман.

— Сўнгги саволим: худо хоҳласа, ЖЧ — 2006 га футболчи сифатида боришни истайсизми ёки мураббий сифатидами?

— Насиб этса, футболчи сифатида боришни хоҳлайман. Ва шунга интилиб, ҳаракат қиламан. Чунки, каттами-кичикми ҳар қандай мусобақага фақат ном билан борилмайди. Шунга муносиб эканингни исботлашинг керак.

— Газетамизнинг номи "Маърифат". Шу маънода маърифат йўлидагиларга тилакларингиз.

— Барча муаллимларга матонат тилайман.

— Суҳбатингиз учун ташаккур!

Шерали НИШОНОВ суҳбатлашди.

Ta'lim va tarbiya yaxlit ma'noni anglatuvchi, bir-biriga chambarchas bog'langan yagona tushunchadir. Ta'limni tarbiyadan, tarbiyani ta'limdan ayricha tasavvur etish mumkin emas.

Ma'rifat

Navro'z tilaklari

Илк баҳор нафаси димоққа урилган чоғ дилим яшнаб кетади. Қалбимдаги кўтаринкилик ҳаётдан руҳланиш ҳиссини, яшаш завқини беради. Ҳар бир ишга қўл урар эканман, унинг албатта, ижобий ҳал бўлишига ишонаман. Баҳор қуёшининг тафти эса руҳимга янада куч бағишлайди. Дарҳақиқат, кўклам ойи — бир-бирига уланиб кетадиган байрамларга бой, дилни чоғ этувчи қадим ҳалқимиз анъаналари ўрин олган ажойиб фасл. Эҳтимол, қалбдаги бу уйғониш ана шу, барчага шодлик улашувчи байрамлар нафаси ила кириб келса, ажаб эмас.

Ҳар бир дақиқада инсон қалбини ўзининг мўътабарлиги ила мафтун этаётган Наврўзи олам бугун юртимизга кириб келди. Наврўз — табиатнинг тенгсиз мўъжизаси. У юрт тинчлиги ва фаровонлиги тимсоли. Инсон тафаккури ва Наврўз ўртасида шундай бир боғлиқлик борки, уларни ҳеч қачон айрича тушуниб бўлмайди. Тариҳдан маълумки, Наврўз ҳамиша жамият ижтимоий ҳаёти билан ҳамоҳанг бўлган. Шунинг учун ҳам унинг ҳар бир даврда тутган ўрни турлича кечган. Мавлоно Фирдавсий инсон ўзлигини таниган кунни янги йил бошига қиёслаган. Кўҳна тарих бундай мисолларга жуда бой. Наврўз энг аввало, Шарқ халқларининг энг улуғ байрамларидан ҳисобланади. Бу кун фақат ўйин-кулгидан иборат бўлиб қолмай, ўша куни ерлар ҳайдалиб, ҳосил уруғи қадалган. Ариқлар тозаланган, қудуқлар қазилган. Янги уй-жойларга пойдевор қўйилади. Бундай эзгу миллий қадриятимизнинг тикланиши, бир сўз билан айтганда, миллат ғурури, дунёқарашининг ҳам тикланишидир. Кудан-кунга чирой очиб дунёга танилаётган юртимиз бежиз тараққиёт пиллапоясига кўтарилаётгани йўқ. Бунда ана шундай эзгу қадриятларнинг тикланиши ўрнини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Ҳамма инсонларнинг қалбида тетиклик, фахрланиш ҳисси мавж уради. Ёшлар қалбига қулоқ солар эканман, уларга бўлган ҳавасимни ифода этишга сўз топа олмайман. Билимга чанқоқлик ҳисси билан келажакка интилаётган бу ёшларнинг жўшқин қалбига баҳор нафаси яна ҳам кўтаринкилик бахш этган гўё. Эл фаровонлиги, дастурхон тўкинлиги, юртнинг ободлиги йўлида бир мақсад сари келажакка отланган ҳар бир ёш кўзидаги эртанги кун ишончи қалбимда беихтиёр фахрланиш туйғусини уйғотади. Биноба-

ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ТИМСОЛИ

рин, бу ишонч фарзандларимизнинг барча соҳаларда эришаётган ютуқлари билан жаҳонни-да лол қолдираётганлигидан тобора куч олади.

Наврўз — меҳр-мурувват, саховат рамзи. «Обод маҳалла йили»да бу каби эзгу амал янада ўзгача жонланиш касб этган, назаримда. Ҳозирги кунларда ҳар бир маҳаллада ўтказилаётган тадбирлар ичида Наврўз тантанасига бағишланиб уюштирилаётган меҳр ва мурувват кечалари кекса отахонлар, мунис онахонлар қалбидан алоҳида ўрин олмоқда. Миллий анъаналаримизнинг тикланиши, қадим қадриятларимизнинг мустаҳкамланиши бугунги кун ҳозиржавоб ёшларининг маънавий жиҳатдан етук, жисмонан баркамол бўлиб етишишларида алоҳида ўринга эга. Бу борада мактабданоқ бола қалбига сингдирилаётган эзгулик, онг-шуурини, дунёқарашини ўстиришга хизмат қилаётган таълим-тарбия алоҳида аҳамият касб этади. Шу кунларда мактабларимизнинг юқори синф ўқувчилари томонидан ўз устозлари билан Наврўз кунларида дошқозонда пишираётган сумалакларни кўриб, уларга боқаётган бахт-иқболдан севинчим ичимга сиғмайди. Зеро, бу кунлар учун ота-боболаримиз неча-неча зимистон тунларни ўтказишга мажбур бўлмади, дейсиз.

Ҳар галгидек тонг отибоқ мактабга, ҳамкасб ўқитувчию, ўқувчиларим даврасига ошиқар эканман, табиат гўё мени янада илгарилаб юришга чорлаётгандек... Чунки табиатнинг уйғониши, баҳор шаббодасининг эсиши руҳни поклайди. Яхшилик ва эзгулик элчиси — Наврўзи олам эса ана шундай доимо эзгу амаллар дебочаси. Саранжом, саришталик, кўкламга бурканган ҳар бир қарич ер мени, фарзандларимни, элимизни эъзозлаётгандек бўлади. Баҳорнинг илк элчиси Наврўз байрамини интиқиб кутаман ва унинг юрт тинчлиги ва фаровонлиги тимсоли бўлиб қолишини истайман.

Мавлуда ИСМАТОВА,
Юнусобод туманидаги
273-мактаб-лицей
директори,
Ўзбекистон Қаҳрамони

Qishloq yoshlari

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ ҲАМОҲАНГ БЎЛГАЧ...

Таълим ва тарбия яхлит маънони англатувчи, бир-бирига чамбарчас боғланган ягона тушунчадир. Таълимни тарбиядан, тарбияни таълимдан айрича тасаввур этиш мумкин эмас. Аълочи ўқувчини тарбиясиз тасаввур эта олмаганимиздек, тарбияли болани билимсиз кўз олдимизга келтира олмаймиз ҳам. Шу боисдан ҳам мактаб қучоғидаги ҳар бир ўқувчи бу икки хислатни ўзида мужассамлаштириши шарт.

Таълим ва тарбия ҳамоҳанг бўлган жойда ўқувчиларнинг билим савияси юқори бўлиб, турли тадбирлардаги фаоллиги ҳам ошади. Бунга Жиззах туманидаги 19-ўрта мактаб жамоаси амалга ошираётган ишлар мисолида яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Мактабда 1585 нафар ўқувчи бор. Уларга дарс бераётган 70 нафар ўқитувчининг 2 нафари олий тоифа, 21 нафари биринчи тоифали, 20 нафари иккинчи тоифали мураббийлардир.

КАСБГА ЙЎНАЛТИРУВЧИ СИНФЛАР

Ушбу даргоҳда ўқувчиларни ёшликдан муайян бир касбга йўналтиришга эътибор кучайтирилган. "Таълим тўғрисида"ги Қонунга асосан 5-"А" синфда ҳуқуқшунослик, 5-"Д" синфда тарбиячи-ўқитувчи, 8-"А" синфда иқтисод йўналиши бўйича ихтисослаштирилган синфлар ташкил этилган. Ва улар ўқувчилар қизиқишига қараб ихтиёрий равишда танлаб олинганлар. Мақсад уларни ўзлари танлаган касбга йўналтириш ва меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашдир.

ҲАМИША ГАВЖУМ ТЎГАРАКЛАР

Синфдан ташқари ишлар ҳам жонлантирилган бўлиб, айниқса, фан тўгараклари мунтазам фаолият кўрсатмоқда. Бу борада ёш тарихчилар тўгараги амалга ошираётган ишлар таҳсинга лойиқдир. Ана шу тўгарак аъзолари "Аждодларимиз мероси — бой тарихимиз буюклиги рамзи" вилоят кўрик-танловида иккинчи ўринни қўлга киритдилар.

Ёш адабиётчилар тўгараги ҳам ўз сафига кўплаб ўқувчиларни бирлаштирган. Олий тоифали ва биринчи тоифали она тили ва адабиёт ўқитувчилари Дилбар Эшмирзаева, Норхол Самадова тўгарак фаолиятининг ранг-баранг ва қизиқарли ўтишини таъминлаш учун тинмай изланади. Яқиндагина Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб ўтказилган кўрик-танлов ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.

Тўгарак қатнашчиси 9-синф ўқувчиси Шоҳида Эшонқулова ижодкор ўқувчилар вилоят кўрик-танловининг ғолибасидир.

"ЗАКОВАТ" БИЛИМДОНЛАР КЛУБИ

Мактабдаги иқтидорли ва билимдон ёшларни ўзида бирлаштирган "Заковат" клуби амалга ошираётган ишлар ҳам кишини қувонтиради. Миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш ва ёшларни етарли даражада маънавият асослари тушунчаларидан хабардор қилиш борасидаги клуб фаолияти ўқувчиларга манзур бўлмоқда. Ўқувчиларнинг нутқини ўстириш, дунёқарашини кенгайтириш, уларни эркин фикрлашга ўргатишда тўгаракнинг таъсири катта.

— Мактабимизда ўқув ишлари тўлиқ икки сменада олиб борилади, — дейди мактабнинг маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Дилором Соатова. — Шундай бўлса-да, биз имкон топдик дегунча фан тўгараклари ва "Заковат" клубининг машғулотларини асло канда қилмаймиз. Шунинг учун ҳам ўқувчиларимиз вилоят миқёсидаги кўрик-танловларда ғолибликни қўлдан бермай келишяпти. Мактабимизда "Чет тилини ўрганамиз", "Ёш физиклар", "Ёш информатиклар", "Ёш ўлкашунослар", "Ёш спортчилар", "Моҳир қўллар" тўгаракларининг аъзолари ана шундай тадбирларда мунтазам иштирок этмоқдалар.

УМИД КУРТАКЛАРИ — "УМИД НИҲОЛЛАРИ"ДА

Юқорида таъкидлаганимиздек, ўқув масканида қўл тўпи, волейбол, футбол, шахмат-шашка, теннис, кураш бўйича спорт тўгараклари мунтазам ишлаб турибди. Шунинг учун ҳам волейбол ва қўл тўпи бўйича қизлар жамоаси "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларининг вилоят босқичида ғолиб бўлдилар. Улар эндиликда республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қиладилар. Бунда биринчи тоифали жисмоний тарбия ўқитувчиси Ф.Бекмирзаевнинг хизматлари катта.

ЎЙИНГОҲ ҲАММА УЧУН

Мактаб ўйингоҳида тез-тез турли мусобақалар ўтказиб туриш анъанага айланган. "Хотира" турнири ана шундай мусобақалардан биридир. Мактабда фаолият кўрсатган марҳум ўқитувчилар хотирасига бағишлаб ўтказиладиган турнирга қўшни мактаб ўқувчилари ҳам таклиф этилади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бундай мусобақаларда шу атрофдаги маҳалла ёшлари ҳам фаол иштирок этадилар. Ҳомийлар ғолиблар учун ўзларининг совринларини ташкил этган. Бир сўз билан айтганда, бундай оммавий мусобақалар фақат мактаб ўқувчиларигагина эмас, қишлоқ ёшлари учун ҳам чинакам байрамга айланади. Вилоят таэквандо федерацияси билан ҳамкорликда тузилган тўгаракка қора белбоғ соҳиби Зариф Қодиров раҳбарлик қилади. Ҳозир унда 60 нафар ўқувчи иштирок этмоқда. Унинг аъзолик бадалидан тушаётган маблағ асосан мактабнинг қишки спорт залини таъмирлашга, турли керакли спорт жиҳозлари олишга сарфланаяпти.

"ЯШИЛ ЧИРОҚ" ҒОЛИБЛАРИ

Мактабда "Яшил чироқ" ёш назоратчилар тўгараги ҳам ташкил этилган. Унда асосан йўл ҳаракати қоидалари ўргатилади. Айни пайтда мактаб йўл ҳаракати қоидасини ўрганиш бўйича тажриба таянч майдони ҳисобланади. Тўгарак аъзолари икки йилдан буён "Яшил чироқ" республика кўрик-танловида иштирок этаяпти. Жумладан 10-синф ўқувчиси Умида Соатова ва 8-синф ўқувчиси Фарида Эркабоевалар ёш назоратчи ва ёш бошқарувчи йўналишлари бўйича кўрик-танловнинг махсус диплом ва совғалари билан тақдирландилар.

Йўл ҳаракати бўйича алоҳида ташкил этилган синфхонада Жиззах шаҳрининг энг гавжум кўчаларидан бирининг макети жойлаштирилган. Ана шу макет асосида ўқувчилар йўл ҳаракати қоидаларини ўрганишади. Ички ишлар бўлими ходимлари ўқувчиларга амалий машғулотлар ўтишда керакли ёрдам ва маслаҳатларини бермоқда. Шунингдек, вилоят ҳокимлиги ва Халқ таълими вазирлиги дастури асосида мактабда автошаҳарча қурилиши мўлжалланмоқда.

МАКТАБ ВА МАҲАЛЛА ҲАМКОРЛИГИ

Мактаб билан маҳалла ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган Ҳамзаобод қишлоқ фуқаролар йиғини тасарруфидаги иккита маҳалла фаоллари билан биргаликда ҳар йили "Менинг маҳаллам" кўрик-танлови ўтказилади. Унда ҳар бир маҳалла ўзининг тарихи, ўзига хос миллий урф-одатларни, миллий таомлар ва қадриятларни намойиш этишга ҳаракат қиладилар.

"Обод маҳалла" йилида мактаб ўз ҳудудини ободонлаштириш борасида қатор ишларни амалга оширмоқда. 2,5 гектарлик ернинг 40 сотихида боғ ташкил этилган. Боғда 1,5-2 мингта мевали, 2 мингта терак ва гуллар бор. Боғдан келадиган даромад ва ота-оналар қўмитаси ҳамкорлигида ҳар йили мактабда 1 миллион сўм атрофида таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

"ЎЗ УЙИНГНИ ЎЗИНГ АСРА!"

Ўқувчи ёшлар ўртасида турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликларни олдини олиш борасида профилактика инспекторлари мактаб билан ҳамкорликда иш юритмоқда. "Огоҳликка даъват","Ўз уйингни ўзинг асра!" мавзуларидаги тадбирларнинг маҳаллалар ҳамкорлигида мактабда ўтказилиши ҳам аҳоли ва ўқувчиларни ҳушёрликка даъват этмоқда.

— Бундай тадбирлар ўқувчи-ёшларни сергакликка, ҳушёрликка чорлашда, уларнинг айрим зарарли оқимлар таъсирига тушиб қолмасликларида муҳим рол ўйнайди, — дейди мактаб директори М.Ўринбоев. — Шу боисдан ҳам бизда биронта ҳам тарбияси оғир ўқувчи йўқ. Зеро, тарбияга янгича ёндашиб, ёшларни миллий қадриятларимизга садоқат руҳида одобли, ахлоқли, комил инсон қилиб вояга етказиш муҳим вазифамиздир.

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР ОММАЛАШТИРИЛМОҚДА

Мактабда асосий диққат-эътибор методик хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга қаратилган. Ана шу мақсадда ўқитувчиларга илмий-методик ёрдам бериш, илғор тажрибаларни оммалаштириш қатъий йўлга қўйилган. Мактабда тажрибасини оммалаштиришга арзийдиган ўқитувчилар кўп. Шу йилнинг ўзида тарих-ҳуқуқ ўқитувчиси Н.Холжўраева ҳамда она тили ва адабиёт ўқитувчиси Д.Эшмирзаеванинг иш тажрибаси вилоят бўйича оммалаштирилиши кўзда тутилган. Мактаб айни пайтда одобнома, меҳнат, йўл ҳаракати, ҳуқуқшунослик фанлари бўйича туман миқёсида тажриба-таянч маскани ҳисобланади. Хуллас, бу кичик жамоа таълим ва тарбиянинг ўзаро уйғунлигини таъминлаб, бу борада эришаётган ютуқларни кун сайин ошириб бормоқда.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Navro'z tilaklari

Вера ПАК, Хоразм вилояти Хива шаҳар 20-меҳрибонлик уйи директори, Ўзбекистон Қаҳрамони

БИР БОЛАГА ЕТТИ МАҲАЛЛА ОТА-ОНА

Юртбошимиз ташаббуси билан бу йил — «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинди. Ушбу йилнинг баҳори юртимизга ўзгача шукуҳ олиб келди, десак муболаға бўлмайди. Бу йил бизнинг жамоамиз аҳли ҳам катта режалар асосида иш олиб бормоқдалар. Ўтган йили вилоятимиз ҳокими, Ўзбекистон Қаҳрамони И.Бобожоновнинг ташаббуси билан вилоят халқ таълими бошқармаси, турли корхона, муассасалар ёрдамида биномиз янгидан таъмирланди. Унинг ён атрофида боғ ва гулзор барпо қилинди.

Бир болага етти маҳалла ота-она, дейди ота-боболаримиз. Бу ердаги 140 нафар ўғил-қизни тарбиялашда бизга яқиндан ёрдам бериб келаётган меҳридарё инсонларга ҳамиша таъзимдамиз. Жумладан, «Жанубгазқурилиш» трести ОАЖ, вилоят прокуратураси, ички ишлар бошқармаси, болалар жамғармаси, «Экосан» халқаро жамғармаси, касаба уюшма қўмитаси, матлубот жамияти, «Урганч-ёғ» заводи, «Арқончи» хусусий меҳмонхонаси ҳамда вилоят, туман ҳокимиятига меҳрибонлик уйимизнинг ҳомийси сифатида ўз кўмагини берганлиги учун уларга миннатдорчилигимизни билдирамиз. Ҳар йили болажонларимизнинг зукко ва билимдон бўлиб тарбияланишлари учун гуруҳлараро кўрик-танловлар ўтказиш анъанага айланган. «Мен ва менинг маҳаллам» шиори остида ўтказиладиган кўрик-танловнинг 1-босқичи Наврўз байрамида, иккинчи босқичи эса 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунида фестивал тарзида ўтказилиши мўлжалланган. Бу ишга асосан маҳалламиз фаоллари, мактабдаги устозлар, оталиқ ташкилотлар вакиллари камарбаста бўлишади.

Бу йил Хивага ташриф буюрган Корея, Чехия, Япония каби мамлакатлар вакиллари, элчилари бизнинг меҳрибонлик уйимизга ҳам келиб, фаолиятимизга юксак баҳо бериб кетишди. Бу бизга улкан ғурур бахш этади. Корейс маданият маркази раҳбарияти ҳам ҳаётимиз билан танишиб, ёрдам қўлини чўзаётгани кўксимизни осмон қадар юксалтирди.

Наврўз тадориги ўғил-қизларимиз қалбида бир неча кун илгари уйғонган эди. Болажонларимизнинг меҳрибонлик уйи базасида ташкил қилинган туман санъат мактаби синфларида катта байрам дастурининг иштирокчилари бўлишиб, меҳмонлар дилига олам-олам завқ улашгани биз учун фахр, албатта. Байрам арафасида барча юртдошларимга табрик йўллашимдан мамнунман. Наврўз — янги кун илоё юртимизда тинчлик-тотувликни янада барқарор қилсин, ҳар бир оила фаровон бўлиб, фарзандларимиз бахтли ҳаёт кечиришсин дейман.

ЯЖТИ КУЖДА ЯЖТИ БИЛИМЛАР

Наврўз боғчалардаги болакайлар қалбига ҳам янада шўхликни, янада ўйинқароқликни солиб қўйди. Қайсики боғчанинг яқинига йўламанг ҳар доимгидан баландроқ ва шодонроқ қийқириқлар қулоғингизга чалинади. Бу эрта баҳорнинг бола қалбида куртаклаётган эзгуликлари...

Бу каби жўшқин кайфиятдаги гапларни тўлиб-тошиб, тўхтамасдан давом эттириш мумкин. Бироқ биз Наврўз руҳини А.Икромов туманидаги 455-бошланғич таълим-тарбия маркази тарбиячиси Барно Фатхуллаева ўтказган "Наврўз куни она табиатга саёҳат" деб номланган ноанъанавий комплекс машғулот орқали баён қилмоқчимиз.

Машғулотнинг мақсади болаларни баҳор фаслида учрайдиган табиат ҳодисаларини тушунишга, уни севишга, авайлаб ардоқлашга, уларда Наврўз янгиланиш, уйғониш ойи эканлиги ҳақидаги тушунчаларини мустаҳкамлаб, баҳор фаслида меҳнат қилиш, завқланишни тарбиялаш ва машғулот орқали кўриш, эшитиш, сезиш, пайпаслаб билиш фаолиятларини ривожлантиришдан иборат бўлди.

Машғулотга тайёргарлик:

Ўнг томон оби ҳаёт ўлкаси, юқорида тоғли маконлар саҳнаси, чап томон ўлкаси қушлар саҳнаси, ҳар хил ўсимликлар, тошлар, 5 та қафасда қушлар.

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи: Болалар ким айтади ҳозир ўлкамизда қандай фасл?

Шодияхон: Ҳозир ўлкамизда баҳор фасли.

Тарбиячи: Жуда тўғри. Баҳор бу уйғониш фаслидир. Бу пайтда табиат ўзгача чирой очиб, дарахтлар куртак чиқариб гуллай бошлайди. Ҳаммаёқ ям-яшил тусга киради. Момақалдироқ бўлиб, ёмғир ёғади, ариқларда зилол сувлар тўлиб оқа бошлайди. Далаларда ишлар қизғин бошланиб кетади. Айниқса баҳорнинг майин шабадасида болажонлар варрак учириб, турли мусобақалар ўтказадилар.

Болалар баҳорда қандай қушлар учиб келади?

Шоҳрух: Баҳорда қалдирғоч, лайлак, турна учиб келади.

Тарбиячи: Баҳорда қандай гуллар очилади?

Феруза: Баҳорда бинафша, чучмома, атиргул, бойчечак, лола гуллари очилади.

Тарбиячи: Жуда тўғри болажонлар. Қани болалар айтингчи, биз бугун қандай байрамни нишонлаяпмиз?

Болалар: Наврўз байрамини нишонлаяпмиз.

Тарбиячи: У қандай байрам?

Жаҳонгир: Наврўз байрами бу қутлуғ тантана. Бу — ўзбек халқининг ҳақиқий байрамидир. Бу байрамни халқимиз зўр шодиёна билан нишонлайдилар.

Тарбиячи: Баракалла болалар, Наврўз бу янгиланиш, яшариш деган маънони англатади. Қани болалар айтингчи, бу байрамда қандай таомлар тайёрланади?

Ҳабибулла: Наврўз кирар куни сумалак, қаймоқ, ёнғоқ солиб, чўзма чалпагу, кулча лочиралар пиширилади. Ялпиз, исмалоқ каби кўкатлардан сомса ва чучваралар тайёрланади.

Тарбиячи: Яна қандай ишлар бажарилади?

Обиджон: Ободонлаштириш ишлари олиб борилади. Кўчалар тозаланиб, ариқлар қазилади. Ҳамма ёқ супириб-сидириб дарахтлар оқланади.

Тарбиячи: Келинглар болалар, бугунги машғулотимизда тоғ ва қирларга, яъни она табиат қўйнига саёҳатга чиқамиз. Саёҳатимизда қасрларга дуч келамиз, яна қушлар гапириши ва ҳар хил савол-жавоблар бўлиши мумкин. Бунга сиз тайёрмисиз?

Болалар "ҳа" деб жавоб беришади. (йўл-йўлакай)

Тарбиячи: Болалар ўзи она табиат деганда нимани тушунасиз? Болалар. ер, сув, ҳаво, осмон ва ўсимликлар ҳақида тушунчаларини гапириб беришади.

Тарбиячи: Ҳа болажонлар, қаранглар табиат қандай мўъжизаларга эга экан. Агар шуларни асраб авайламасак қандай ҳолат рўй беради.

Фотима: Сув бўлмаса ҳаммаёқ қуриб қолади.

Жасур: Агар қор ёғмаса, еримиз тўйиб сув ичмайди.

Тарбиячи: Ҳа болалар шунинг учун биз табиатни асраб-авайлашимиз керак экан.

Болалар: Ия биз қаерга келиб қолдик?

Латофат: Қандайдир қушларнинг товуши эшитиляптими?

Обиджон: Барно опа, сиз айтган қаср шу бўлса керак.

Тарбиячи: Ҳа, мен айтган қаср шу бўлади. Бу қандай қаср экан?

Фарангиз: Мен топдим, биз қушлар қасрига келиб қолибмиз. Юринглар кирамиз.

Оққуш: Тўхтанглар, нима қилиб юрибсизлар менинг қасримда?

Шодияхон: Салом қушча, биз она табиат қўйнида сайр қилиб юрибмиз.

Феруза: Қасрингга кирсак майлими?

Она қуш: Қасрга киришингиздан олдин менинг саволларимга жавоб беринг.

Шоҳрух: Беравер саволларингни.

Она қуш: Мен кимман?

Латофат: Мен топдим, сен она қушсан.

Она қуш: Қушлар нима билан озиқланишади?

Фотима: Қушлар дон, буғдой, кўкатлар, нон ушоқлари билан озиқланишади.

Она қуш: Тўғри, энди иккинчи саволим, қушларга сизлар озор бермайсизларми?

Жонибек: Йўқ, биз қушларга озор бермаймиз, уларни жуда яхши кўрамиз.

Зуҳра: Биз уларга боғчамиз дарахтларида инлар қуриб берганмиз. Уларни гуруҳимизда ҳам боқамиз.

Она қуш: Сизлар бизнинг дўстимиз экансизлар. Марҳамат қасримга кираверинглар.

Болалар қушларнинг олдига чопиб бориб томоша қиладилар. Уларнинг сайрашини, панжаларини, тумшуқларини, рангларини айтиб берадилар.

Шодияхон: Барно опа, биз мана шундай

Mashg'ulot

чиройли қушлар ҳақида қўшиқ биламиз-а? Келинглар қушчага куйлаб берамиз.

Болалар ярим доира бўлиб "Қуш" қўшиғини айтишади. Она қуш рақсга тушади.

Она қуш: Раҳмат сизларга. Менга ашулангиз жуда ёқди. Ҳаттоки рақсга ҳам тушиб юбордим.

Болалар йўлда давом этадилар, йўлда тоғ тасвирланган саҳнани кўрадилар.

Фотима: Барно опа, тоғ деганингиз шуми?

Тарбиячи: Ҳа болажонлар, биз машғулотимизда тоғлар, қирлар ҳақида суҳбатлашган эдик, мана ҳозир уларни ўзингиз кўриб турибсиз. Бу каттакон тоғнинг ичида ғор бўлади. Ғоримиз жуда ҳам қоронғу, ҳаттоки сеҳрли ғор бўлиши ҳам мумкин.

Тоғ орқасидан қора дев чиқиб келади.

Қора дев: Одам иси келяптими? Бунча ширин болалар бўлмаса-а-а.

Тарбиячи: Болалар бу ким бўлади?

Жасур: Мен топдим бу эртакдаги қора девку.

Қора дев: Ҳа мен қора дев бўламан, шу каттакон тоғнинг хўжайиниман.

Фарангиз: Салом қора дев, биз табиатни сайр қилиб юрувдик, сенинг қасрингдан ўтсак майлими.

Қора дев: Менинг саволларим бор, уларга жавоб берсангизлар қасримдан ўтасизлар?

Обиджон: Беравер саволингни.

Қора дев: Қандай тоғларни биласиз?

Зуҳра: Мен Оқтош тоғини биламан. Оҳак тоши кўп бўлгани учун у ерни Оқтош дейишади.

Шоҳрух: Мен Чимён тоғини биламан, у ерда ҳавоси тоза, суви эса шифобахш. Биз у ерга оиламиз билан дам олишга борамиз.

Латофат: Мен Бурчмулла тоғини биламан.

Қора дев: Қандай ер қазилмаларини биласиз?

Жонибек: Газ, туз, олтин, нефть, кўмир қазилмаларини биламиз.

Қора дев: Сизлар жуда билағон экансизлар. Марҳамат ўтаверинглар.

Ҳабибулла: Болалар, тоғ ён бағриларида жуда кўп доривор ўсимликлар бор экан-а?

Тарбиячи: Ҳа болалар, табиб Ибн Сино ҳам инсонларни даволашда доривор ўсимликлардан фойдаланганлар. Келинглар болалар, бироз ўтириб дам оламиз.

(Болалар ерга ўтиришади). Мен сизларга ҳозир Ибн Сино ҳақидаги ривоятни айтиб бераман.

Тарбиячи ривоятни сўзлаб, уни саволлар билан мустаҳкамлагач, сайр яна давом этади.

Шоҳрух: Барно опа чанқаб кетдик, сув ичгимиз келяпти.

Тарбиячи: Болалар анави ерда булоқ кўриняпти, булоқ сувини жуда ҳам шифобахш дейишади.

Оби-ҳаёт саҳнага кириб келади: Тўхтанглар нима қилиб юрибсизлар?

Тарбиячи: Болалар бу ким бўлади?

Жаҳонгир: Томчи бўлса керак.

Оби-ҳаёт: Йўқ, мен томчи эмасман, мен оби-ҳаётман, инсонларнинг саломатлиги учун шифобахшман.

Жаҳонгир: Салом оби-ҳаёт, биз табиат қўйнида сайр қилиб юрибмиз, биз жуда ҳам чанқаб кетдик, сувингдан ичсак майлими?

Оби-ҳаёт: Менинг саволларимга жавоб берсангиз, майли ичаверинглар. Ўзи сув нима учун керак?

Феруза: Чанқоқни қондириш учун, дарахтларни суғориш учун, озода юриш учун.

Оби-ҳаёт: Сувни қандай асраш керак?

Обиджон: Сувга туфлаш, ахлат ташлаш керак эмас, сувни бекорга оқизиб қўймаслик керак.

Оби-ҳаёт: Саволларимга жуда тўғри жавоб бердингиз, энди шифобахш сувимдан ичаверинглар.

Йўлда болалар "чалкашликлар дунёси"га дуч келишди. У ерда дарахтда қовун-тарвузлар, полизда олма, ноклар пишган эди. Улар мева ва сабзавотларни жой-жойига қўйишди ва шу орқали математик кўникмалар ҳам синалади.

Тарбиячи: Болажонлар келинглар сизлар билан шеърий топишмоқ ўйинини ўйнаймиз. (Улар ўйинни давом эттирадилар)

Тарбиячи: Болажонлар бугунги машғулотимизда сизлар билан она табиат қўйнига сайрга чиқдик, нималарга дуч келдик?

Болалар ўзларига ёққан нарсаларни айтиб беришади.

Тарбиячи: Энди бугунги машғулотимиздан олган билимларимизни мустаҳкамлаш учун ҳовлига чиқиб дошқозонда пиширилаётган сумалак ишларига ёрдам бериб, мевали дарахт кўчатларини экамизми?

Болалар: Ҳа-а-а, улар саҳнадан чиқиб кетишади.

Байрам машғулотини Насиба ЭРХОНОВА кузатди ва баён қилди.

НОВДАЛАРДА ҲАЁТ НАФАСИ, КУРТАКЛАРДА АЖИБ ТАРОВАТ

ШОДЛИКДАН ЁРЛИҚ

(Баҳор манзараси)

Боғда қушлар бошлаб тантана,
Бойчечаклар кўрсатди жамол.
Бошларига дарахтлар яна
Ўрадилар оқ шоҳи рўмол.
Сайр қилар қувнаб хонқизи,
Қувлашмачоқ ўйнар капалак.
Етти рангда солиб нақш изин
Товланмоқда кўкда камалак.
Қир-адрда ям-яшил гилам,
Гуллар билан безанган борлиқ.
Баҳор тақмиш ғоят дид билан
Кўнгилларга шодликдан ёрлиқ.

Ойдин ДОНИШ,
Жиззах шаҳридаги 7-“Юлдузча” болалар боғчаси тарбиячиси

СОҒИНЧ

Совуқ кун бағрида жуда толиқдим,
Кўзларим ичида илинжим бедор.
Мен сени мунчалар соғиндим нечун —
Ялпиз излаб кетган қизалоқ — баҳор.

Соғиндим, куртаклар лабида кулган,
Нимпушти кулгуни, нур жилвасини.
Майсалар юзларин чайиб чайқаган
Тоғларнинг эриган дил жилғасини.

Маъюс қизғалдоқлар бошини эгиб,
Ошиқ адирларга берганда салом.
Тупроққа тўкилган шудринглар учун,
Қора кўзларимни этар эдим жам.

Мажнунтол юраги эди юрагим,
Музлаган дарёдай мен нечун тиндим.
Қушлар бориб айтинг она қуёшга,
Настарин гулини жуда соғиндим.

Совуқ кун бағрида эзилди бағрим,
Кўзларим чарчаган, туйғу бемадор.
Мен сени соғиниб кутаяпман ахир —
Ялпиз излаб кетган қизалоқ — баҳор.

Ҳалима ЖУМАНИЁЗОВА,
халқ таълими аълочиси

СУМАЛАК ҲАҚИДА ҲИКОЯТ

Айтишларича, қадим замонларда бир аёл икки норасида фарзанди билан бева қолибди. Кунлар, ҳафталар ўтибди. Аёл остона ҳатлаб кўчага чиқмаган, турмуш ўртоғининг топганига қаноат қилиб ўтирадиган хотин экан. Турмуш ўртоғидан қолган егуликлар, жамғарма тугабди. Қиш бу юртлардан кетиб, ўз ўрнини баҳорга бўшатаётган “йўғон чўзилиб, ингичка узиладиган” паллаларда аёл қарасаки уйида ҳеч вақо қолмабди. Болалари эса очликдан “онажон, овқат беринг, онажон, нон егим келяпти” деб йиғлашга тушишибди. Онаизор болаларини нима деб овутишни билмабди. Аёл уруғлик учун асраб қўйган буғдойини нон қилиб болаларига берса, бир йиллик ҳосилдан маҳрум бўлишларини биларкан. Шундай бўлса-да буғдойнинг бир ҳовучини олибди-да уни тозалаб ювибди ва текис жойга ёйиб қўйибди. Улар икки кунни ҳам очликда ўтказишибди. Учинчи куни аёл ям-яшил бўлиб унган буғдой майсаларини қирқиб олибди-да, уни келида янчиб сувини чиқарибди. Аёл буғдой ширасидан қандай таом тайёрлашни билмас экан. Лекин у болаларини овунтириш учун қозонга сув, буғдой ширасини, супрада қолган бир-икки ҳовуч унни солиб, ўчоққа ўт ёқибди. Ва очликдан йиғлаётган болаларига “мана ҳозир ширин овқат пишади, яна озгина сабр қилсангизлар, дунёдаги энг ширин таомни татиб кўрасизлар”, дебди. Аёл ўчоққа ўт қалар экану, “бу солган масаллиқларимдан ҳеч қандай таом ҳосил бўлмайди. Мен бекорга жигарбандларимни алдаб ўтирибман. Нима қилсам экан?” деб ўйларкан. Болалар эса оч эмасми, ҳар лаҳза онасидан “ойижон, овқат тайёр бўлдими, уни қачон еймиз”, деб сўрашни қўймас эканлар. Тонгга яқин аёл жуда ҳолдан тойганлиги боис, очликдан йиғлай-йиғлай ухлаб қолган болаларининг ёнига чўзилибдию, унинг ҳам кўзини уйқу босибди.

Тонг саҳарда самодан қирқ фаришта тушибди-да, қозонни обдон кавлашибди ва унинг устини ёпиб қўйиб кетишибди.

Аёл эса жуда-жуда толиққанлиги боис қаттиқ ухлаб қолибди.

Икки бола эса кўзларини очсалар, қозонда оналари кун бўйи қайнатган таом тайёр бўлган экан. У шунчалик роҳатбахш ҳид таратаётган эканки, болалар беихтиёр чимчалоғлари билан уни ялаб кўришибди. Таомнинг ширинлиги уларни яна татиб кўришга ундабди. Улар тўйгунча ушбу таомдан ейишибди ва оналарини уйғотибдилар: “Ойижон, туринг, турақолинг. Раҳмат сизга, шунчалик ширин, умримизда емаган овқатни тайёрлаб қўйибсиз. Нега бу овқатни аввалроқ тайёрлаб бермадингиз”. Аёл ҳангу манг бўлиб қолибди. Наҳотки, буғдой ширасию бир челак сувдан шунча ширин таом тайёр бўлса? Ва уйқуга кетишдан олдин кўрган манзараларини элас-элас эслай бошлабди. Демак малакларни, самодан тушган фаришталарни у тушида эмас, ўнгида кўрган экан-да, демак унга малаклар ёрдам берган экан-да? Шундай ўйлар билан ўтирган аёлни фарзандларининг “Ойижон, бу таомнинг номи нима, биз шунча овқатни нима қиламиз, ундан қўни-қўшниларга ҳам берайлик. Ўртоқларимиз сизнинг қанчалик ширин таом тайёрлаганингизни билиб қўйишсин” деган овозлари ўзига келтирибди. Онаси бу таомга сумалак, яъни қирқ малак деб ном қўйибди. Қўни-қўшнилар ҳам ушбу таомдан баҳраманд бўлишибди. Кейин-кейин эса беш-олти хонадон, бутун бир маҳалла аҳли йиғилиб, бу таомни тайёрлайдиган бўлишибди. У тайёрлаш жараёнида яхши ниятлар айтиладиган, ўйин-кулгу қилинадиган бўлибди.

Қадим-қадимлардан буён оғиздан-оғизга кўчиб, бизгача етиб келган сумалак ҳақидаги ривоятлардан бири шу. Яна айтишадики, сумалак Биби Фотима онамизнинг фарзандлари Ҳасан ва Ҳусайнга тайёрлаб берган таомидир.

Шу кунгача барча севиб истеъмол қиладиган, бувиларимиз, оналаримиз ўзгача бир иштиёқ билан тайёрлайдиган Наврўзнинг шоҳ таоми — сумалакнинг пайдо бўлиши ҳақида бундан ҳам қизиқарли, бундан ҳам ибратли ҳикоятлар бор. Бу эса ана шуларнинг бири холос.

НАВРЎЗ НЕЪМАТЛАРИ

Кўм-кўк, кўм-кўк, кўм-кўк
Кўклам қуёшидан кўкарган қирлар.

Шоирнинг ушбу мисраларини ўқиган ҳар бир ўқувчи юртимизга ўз ҳусну тароватини кўз-кўз этиб келган баҳор нафасини туяди. Кўз ўнгида ям-яшил кенгликлар гавдаланади. Бугун кўча-кўй, боғу роғ, қиру адир ҳамма-ҳаммаси шоир таърифлаганидек кўм-кўк.

Кексаларимиз баҳорнинг илк даракчиси бойчечак, бинафша, чучмомаларни кўзларига суртиб “омонлиқ-сомонлиқ, кўрмайлик ёмонлик” дея ният қиладилар. Оналаримиз эса ердан унган ям-яшил шифобахш гиёҳлардан оиласи, болалари учун бирор егулик тайёрлаш ҳаракатига тушадилар.

Кўк чучвара, кўк манти, кўк сомса, кўк патир. Буларнинг ҳаммаси баҳорнинг, Наврўз байрамининг энг лаззатли таомлари ҳисобланади.

Биз сиз азиз аёлларга байрам дастурхони учун отқулоқ, жағ-жағ, ялпиз, исмалоқдан кўк чучвара тайёрлашни тавсия этамиз. Аввало ушбу гиёҳлар хосияти билан танишиб олинг.

ЯЛПИЗ

Ялпиз лабгулдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ёввойи ўсимлик бўлиб, унинг янги униб чиққан барглари суюқ овқатларга маза киритади. Баҳорда ариқ бўйларида, боғларда, бедапояларда ва адир ён-бағирларида бодраб чиқади.

Ялпиз ўсиб, бўйи бир-бир ярим метргача боради. Шу вақтда ўриб олиниб, қуритиладиган мевалар остига тўшалади. Айниқса, ялпиз пояси устида қуритилган ўрик унинг ҳидини ўзига олиб, хушбўй бўлиб қолади ва бир неча йил сақланганда ҳам қурт тушмайди.

Таркибида турли витаминлар ва ифори мойи кўп бўлганлиги учун ундан доришуносликда, қандолатчиликда ва парфюмерия саноатида фойдаланилади.

Ялпизнинг шифобахшлиги ҳақида ибн Сино шундай деган: “Бир неча кунгача уни еб, кетидан қатиқ зардоби ичиб турилса, веналарни кенгайтиради. Унинг шираси қовуқдаги куртларни ўлдиради... Айниқса, анжир билан бирга ейилса, кўкракдаги ёпишқоқ қуюқ хилтларни ҳайдайди. Ялпиз, хусусан ёввойиси иштаҳа камлигида, меъда заифлигида, ҳиқичоқ тутганда фойда қилади”.

ЖАҒ-ЖАҒ

Халқимиз жағ-жағ кўкатидан турли-туман таомлар тайёрлаб, унинг шифобахш хосиятларидан баҳраманд бўлади. Жағ-жағ ўлкамизнинг барча ҳудудларида ўсади.

Халқ табобатида бу гиёҳ ўзининг қон тўхтатиш хусусияти билан танилган. Меъда, ўпка, бурундан қон кетгудек бўлса, жағ-жағдан дамлама тайёрлаб берадилар.

Жағ-жағ табобатда ҳам қўлланилмоқда. Гиёҳнинг қон тўхтатиш хусусиятидан бошқа ҳам ижобий томонлари аниқланмоқда. Чунончи, олимларнинг аниқлашларича, жағ-жағ қон босимини тушириб, ичак фаолиятини уйғунлаштирар экан. Шу боисдан бўлса керак, бизнинг халқимиз бу ўсимликнинг кўкатидан айни навбаҳор дамлари чучвара, сомса ва шўраки таомлар тайёрлаб, истеъмол қилишади.

ИСМАЛОҚ

Исмалоқдан ҳам илк баҳорда, дармондори сифатида фойдаланиш кенг расм бўлган. Унинг сиқиб олинган суви эса консерва саноатида кўк нўхатга ранг бериш учун ишлатилади. Унинг баргида оқсил, ёғ, темир, фосфор, магний, калий, натрий, шунингдек, тиамин, рибофлавин, рутин, филлохинин, токоферол, эргокальциферол витаминлари бор.

100 гр. исмалоқ 25-30 калорияга эга, тухумда эса 40 калория бор. Бинобарин, 500 грамм исмалоқ уч дона тухумнинг кучини бера олади.

ОТҚУЛОҚ

Баъзан баргизуб ўсимлиги билан отқулоқни алмаштириб юборишади. Отқулоқ аслида ёввойи шовул бўлиб, танаси тик ўсадиган кўп йиллик кўкат ўсимлиги, барглари катта-катта, қайиқсимон тузилишда, илдиз олди бўғизида оқиш шилимшиқ моддаси бўлади. Янги униб чиққанда барглари кўкатлар билан чопиб қийма қилинади, жизза, кўк пиёз қўшиб сомса ва чучвара тугилади. Таркибида кўпгина дармондорилар, айниқса, С витамини ва шовул кислотаси бор. Бу қон босими ошган ҳамда меъда касали билан оғриган беморларга тавсия қилинади.

КЎК ЧУЧВАРА

Бу таом учун саралаб терилган, тоза ювилган ва майдалаб чопилган ёки кесилган отқулоқ, ялпиз, исмалоқ, жағ-жағ каби кўкатлар керак бўлади.

Кўкатларга таъбга яраша туз, мурч, кашнич донаси солинади ва ёғда чала қовуриб олинади. Кўкатлар жуда ҳам пишиб, эзилиб кетмаслиги керак. Сўнгра ушбу масаллиқ совугунча, бир дона тухум солиб, қаттиқ хамир қорилади. Бироз тинган хамир юпқа қилиб ёйилади ва ҳар томони 3см.ли бўлган квадрат шаклида қирқиб олинади. Бунда айланаси кичкина бўлган стаканлардан ҳам фойдаланса бўлади.

Қирқиб чиқилган хамирга ярим чой қошиқда совуган масаллиқ солиб, чучвара шаклида тугилади.

Ушбу чучвараларни суяклар қайнатилган сувда ёки қайнаб турган шўрвада ёхуд манти қасқонда, буғда пишириб олиш мумкин. Тайёр бўлган чучварани косаларга сузиб, устига мурч ва бироз сметана солиб дастурхонга тортиш керак.

БАҲОР

Эй баҳорим, сенинг мадҳингга
Етармикан юрак сўзларим.
Бахмалдайин кўркам ҳуснингга,
Тўярмикан боқсам кўзларим.

Ақлим олган, ҳисларим чертган,
Жилғаларинг янгроқ созими?
Чурқ-чурқлашиб фазони тутган,
Шўх қизларнинг шўх ноласими?

Мафтун бўлиб борлиғим билан,
Қаршилайман ҳар куни наҳор.
Бахт улашиб шодлигим билан,
Бирга кезар ўлкамда баҳор.

Аҳад МУҚИМОВ,
Шаҳрисабз туманидаги 78-мактаб директори

ЯШАРИШ БАЙРАМИ



Наврўз — гўзаллик ва нафосат байрамидир. Унинг қадимий эканлигини, буюк алломаларимизнинг қолдирган меросидан билишимиз мумкин. Наврўз ҳақида илк маълумот Абу Райҳон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида учрайди. Яна кўпгина шоирларимиз — Умар Хайёмнинг “Наврўзнома”, Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома” ва мутафаккиримиз Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” асарларида Наврўзнинг келиб чиқиш тарихи, у билан боғлиқ урф-одатлар ҳақида муҳим маълумотлар берилган.

Наврўз байрамига тайёргарлик бир неча кун олдин бошланади. Авваламбор, кўчалар, ариқлар тозаланади. Кейин эса наврўзга атаб турли хил кўкатлардан таомлар, ширинликлар тайёрлашади.

Профессор Б.Саримсоқовнинг маълумот беришича, катта бир идишда етти хил дон экинларининг уруғи ундирилган. Улар буғдой, арпа, зиғир, тариқ, нўхат, жўхори, шолилардан ташкил топган. Огаҳийнинг ёзишича, Наврўзда ҳамма қайиқда дарё сайилига чиқишган. Ҳар хил ўйинлар ўйнашган.

Наврўз байрами — ўзбекларнинг миллий байрамидир. Бу байрамни боболонларимиз расм-русумларни адо этган ҳолда нишонлашган.

Наврўзнинг ҳақиқатан ҳам миллий байрамлиги ана шунда кўринадики, у ҳар бир ҳудудда ўзига хос тарзда нишонланади. Навоий вилояти ҳудуди жуда катта. Бу ерда 30 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Вилоят марказида ҳозирги пайтда олтита миллий маданият маркази фаолият кўрсатади. Кейинги пайтларда бу миллий марказлар ҳам Наврўзни кенг нишонланмоқдалар. Унинг мазмунини бойитмоқдалар. Наврўз таомларининг туманларда бир-биридан фарқ қилувчи жиҳатлари бор. Нуротада Наврўзни нишонлаш чорвадорлар ҳаёти билан боғлиқ кечса, Қизилтепада деҳқончилик урф-одатлари кўпроқ намоён бўлади. Хатирчининг Олтинсой қишлоғи ҳудудларида тоғликлар ҳаётига хос одатлар мужассам.

Наврўз шодиёналарда ёрқин акс эттирилади.

Маҳаллаларда кураш, кўпкари каби миллий халқ ўйинлари ва мусобақалар айни мана шу Наврўзда ўтказилиши байрамни яна ҳам жозибали қилиб келади.

Наврўз комил инсонни тарбиялаш воситасидир. Юртбошимиз “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” деганларидек, ўз аждодларидан қолган маънавий меросни, урф-одатни эндигина ўсаётган ёш авлод онгига сингдириб, мана шу маънавият, урф-одат билан қуроллантирилса, келажакда Ўзбекистон бошқа ривожланган мамлакатлар қатори бошини баланд кўтариб, ғурурланиб юрарди.

Дилноза НАМОЗОВА,
Навоий ДПИ ҳузуридаги академик лицей ўқувчиси

НАВРЎЗ ЗАВҚИ

Яшил кўйлак кийди табиат,
Дилда жўшар орзулар қат-қат.
Ташрифингдан осмонда бошим,
Ҳур ўлкамда мангу қол фақат.
Сепин ёйди парирўй санам —
Хуш келибсан, Наврўзи олам!

Хушбўй елга юз тутар куртак,
Бўй кўрсатар ялпиз, бойчечак.
Қўшиқ куйлар хушхон булбуллар,
Борлиқ — гўё сеҳрли эртак.
Сепин ёйди парирўй санам —
Хуш келибсан, Наврўзи олам!

Ҳаёт гўзал, хушбўй ҳаволар,
Авжга чиқар қўшиқ-наволар.
Сумалак, ҳалим, кўк чучвара,
Ҳар кўнгилни кўклам даволар.
Сепин ёйди парирўй санам —
Хуш келибсан, Наврўзи олам!

Дилда севинч, лабларда кулгу,
Нигоҳларда сирли бир туйғу.
Юракда кўз очар муҳаббат,
Сархуш этар дилларни севги.
Сепин ёйди парирўй санам —
Хуш келибсан, Наврўзи олам!

Бахтинг бутун бўлсин жон элим,
Қолмасин асло армон, элим,
Қадамингдан унсин чечаклар,
Кутлар Абдулла Омон, элим.
Сепин ёйди парирўй санам —
Хуш келибсан, Наврўзи олам!

Омон АБДУЛЛА,
Шофиркон туманидаги 1-мактаб ўқитувчиси

БАҲОР ШУНАҚА ШИРИНМИ?

У жуда ҳам кичкина эди. Бошқа болалар каби куни кўчада ўтарди. Ўғил болаларга қўшилиб чўмилган ўшалар билан “уруш-уруш” ўйнаган, дарахтларга ёввойи олмахондек чирмашиб чиққан ҳам ўша эди. Бувисининг дарвозаси олдидан катта ариқ оқиб ўтарди. Ана шу ерда бир туп катта марварид тут ўсарди. Унча-мунча ўғил бола ҳам бу тутга чиқишга журъат қила олмасди. Қизалоқ эса тут пишгандан то тугагунча ана шу дарахтдан тушмасди.

Йиллар ўтди. У ақлини таний бошлади. Кунларнинг бирида аллақандай қушларнинг вижир-вижиридан уйғониб кетди. Шу пайтда қизалоқ димоғига хушбўй ҳид урилди. У ҳали бундай ширин ҳидни туймаганди. Онаси ҳам, опалари ҳам бундай ҳидли атирдан фойдаланишмасди. Нима экан бу? Турди-ю, юз-қўлини ювмасдан ҳам нима биландир машғул онаси ёнига чопиб бориб сўради:

—Ойижон, анави қушларнинг оти нима, ниманинг ҳиди келяпти?

—Улар баҳор даракчилари қалдирғочлар. Қаердан ҳид келяпти?

—Билмайман, қаердан. Лекин жуда ҳам ширин ҳид экан.

—Ҳа, қизим, бу баҳор нафаси, яқинда баҳор келади-ку. Куни кечагина мени 8 март билан табрикладинг.

—Баҳор шунақа ширин бўладими?

—Баҳор эмас, ердан униб чиққан ўт-ўланлар, чучмома, бинафша, бойчечак, ялпизлар ҳиди шундай бўлади. Кейин уларнинг ҳаммасининг ифорини қўшиб шабада олиб келади. Ариқлар бўйида ялпиз униб қолгандир. Бугун ялпиз териб келсанг, сенга кўк сомса пишириб бераман.

—Ялпизни қаердан топаман?

—Далалардан, ариқ бўйларидан. Бувангнинг чорбоғидан оқиб ўтадиган кичкина арикча бўйларида ялпизлар жуда ҳам кўп.

Қизалоқ онасига “мен кетдим” деди-да кўчага югурди. У тезроқ ялпизни кўргиси келарди. Ойиси орқасидан “чой ичиб ол” деганча қолаверди.

У ям-яшил бўлиб унган буғдойзор оралаб югуриб кетаркан, яна ўша ҳид димоғига урилди. “Баҳор қандай яхши экан”, ўйларди у.

Бувисиникига кириб борди-ю, шоша-пиша гапира кетди: “Бувижон, баҳорнинг ҳидини биляпсизми, баҳор келди, қишлоғимизга”.

Бувиси уни бағрига олди. “Менинг ақллигим, оппоғим, баҳор келди деган тилларингдан айланай”, дея алқади.

— Буви, буви, мен ялпиз теришим керак, онам кўк сомса қилиб берар эканлар. Юринг, менга ялпизни кўрсатиб қўйинг. Уни ҳали танимайман.

Бувиси унинг орқасидан чорбоққа йўл олди.

Вой-бу, ўтларнинг кўплигини. Ҳидлариям антиқа. Буларнинг орасида қайси бири ялпиз экан? Манави жажжигина сариқ гулчалар жуда чиройли эканми? У яна бир марта “баҳор деганлари яхши нарсалар, чиройли гуллар дегани экан-да”, деб қўйди. Шу пайтда бувиси кўпгина ям-яшил майсалар орасидан бир гиёҳни узиб олди:

—Мана қизалоғим, ялпиз, — дея уни кўзларига суртди-да, нималардир деб пичирлади. У ҳам бувисига тақлид қилиб, дуч келган бир гиёҳни узиб олди-да, кўзларига олиб борди. Нимадир демоқчи бўлиб бироз тараддудланди ва “баҳор роса яхши экан” деб қўйди.

Бувиси унинг гапини эшитиб қолди-да, кулиб юборди ва деди:

—Баҳорда илк бор кўкарган майсани кўзингга суртсанг, “шу кунларга етказганингга шукр, омонлиқ-сомонлиқ, худога шукр, кўкламга ҳам етишдик” дейишинг керак. Бу шукроналик белгиси, — деди. Қизалоқ ўзи гапирган гапдан, ҳеч нимани билмаслигидан уялиб кетди. Ҳали мактабга борсин, кўп нарсаларни биладиган бўлади. Ўшанда ўзи ялпиз теради, ўзи шукроналик келтиради. Кейин у ўртоқларига ҳам ўргатади.

Бошқа гиёҳларга қараганда нафисроқ, хушбўйроқ ҳид таратаётган, банди тўқ сиёҳранг, барглари тўқ яшил бўлган икки донагина япроқ, бувиси тили билан айтганда “қулоқ” чиқариб қолган майса — ялпиз экан. Бувиси ҳам набирасига қизиқиб кетдими ёки унга ҳам бу машғулот ёқиб қолдими, анча пайтгача ялпиз теришди. Бувисининг кўйлакларининг этаги кенг эмасми, терган ялпизларини бувисининг этагига йиғишди. Анча-мунча бўлибди. Ўша куни у бувисидан бошқа гиёҳларнинг номини ҳам билиб олди. Қайси биридан таом тайёрлаш мумкинлигини ҳам.

Тушга яқин қувончдан кўзларида нур порлаган қизалоқ бувиси билан уйларига кириб борди. У онасига ҳам, опаларига ҳам ариқ бўйида кўрганларини, ўт-ўланларнинг номини айтиб беришга ошиқарди.

Кейин онаси тандирда кўк сомса ёпди. Уни мазза қилиб ейишди.

Қизалоқнинг бу йилги баҳори, умрининг олтинчи баҳори ана шундай бошланганди.

Шарифа МАДРАҲИМОВА

ЯНА ҚАЙТА КЕЛДИНГМИ, БАҲОР?

Новдаларда ҳаёт нафаси,
Куртакларда ажиб тароват.
Чулдирайди ирмоқлар саси,
Толиққан дилларга ташиб ҳаловат.
Юрак сенга жуда бўлганди хумор,
Яна қайта кела қолдингми, баҳор?

Сен келган пайтингда, ҳув олис йиллар,
Болалик чоғимда, югуриб, шодон,
Оққан илк сувингда ерилиб қўллар
Кема оқизганим ёдимда ҳамон.
Гўё болалигим келгандек такрор,
Яна қайта кела қолдингми, баҳор?

Кўз ўнгимда ҳамон менинг баҳорим —
Ўн саккизим ўтди лаҳзалик тушча.
Нафасинг уфурса яшнарди борим,
Юрак — учишга шай шошқин бир қушча.
Ёшлигим қайтарми қалбимга такрор,
Уни нега олиб келмадинг, баҳор?

Гарчи боламасман, қувмам капалак,
Гарчи ёшим ҳозир катта бир мунча,
Лек сен тошиб келсанг тошқиндир юрак,
Шошиб келганингда шошқин бир қушча.
Беғам кунларимни эслатиб бир бор,
Яна қайта кела қолдингми, баҳор?

Оллоҳ умр берса етмиш, саксонга
Кириб, шояд мен ҳам буви бўларман.
Жондек келганингда ҳорғин бу танга,
Ғунчалари сероб гулдек сўларман.
“Ғунчаларим сенга зору-интизор,
Дерман — қайта кела қолдингми
баҳор?!
Қалбга ҳаёт ишқин солдингми,
Баҳор?!”

Мунаввара ҚУРБОНБОЕВА,
Беруний туманидаги 61-мактаб ўқитувчиси

Bolalarning ma'yus qalbiga ajoyib she'rlari orqali yorug' va nurli tuyg'ular olib kirganligi uchun shoirlarga chuqur minnatdorchilik izhor qildi.

Марат ЗОКИРОВ,
Жиззах давлат педагогика институти қошидаги иқтидорли болалар лицейи директори,
Ўзбекистон Қаҳрамони

ЯШАРГАНДЕК БЎЛАМАН

Баҳорни беғубор болага қиёслагим келади. Унинг қувончларга тўлиқ шодон кулгуси тошқин сой мисол ўзанни-да писанд этмаса, юзларида балқиган севинч қир-адирлар, боғу-роғларда муаттар ифор таратган баҳор гуллари мисол инсонга роҳат бахш этади. Гоҳида бир зумда осмонни қоплаган булут эса салга авзойи бузилган боладек араз ёшини тўкиб қолади.

Ҳа, баҳор беғуборлик тимсоли. У инсон қалбини гўзалликка, эзгуликка ошно этади. Баҳорнинг яшариш, яратиш фасли дея эътироф этилиши ҳам бежиз эмас. Зотан, айни шу ойда бободеҳқон эртанги ҳосилга замин ҳозирлайди. Шу боис бўлса керак, ҳар йили ўлкамизга ташриф буюрадиган баҳор фаслини элимизда қадимдан катта шодиёна билан нишонлаганлар.

Тун ва кун тенглашадиган ушбу кун — Наврўз, яъни янги кун эрта тонгдан халқ сайиллари билан бошланган. Дошқозонларда сумалаклар қайнатилиб, элга ризқ улашилган. Одамлар жипслашиб бир мақсад — юрт осмонининг мусаффолигию халқнинг эртанги фаровон куни учун янги куч-ғайрат билан ишга киришганлар.

Наврўз шодиёнасининг мен учун яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, айни ана шундай улуғ ва қутлуғ кунда таваллуд топганман. Бобомдан эшитганим бор. Биласиз, 1939 йиллар — одамлар қозонидан мой, омборидан дон ариган пайтлар бўлган. Қишнинг совуқ келиши эса ўша вақтларида кўпгина хонадонларни анча ночор ҳолга солиб қўйгани ҳам сир эмас. Эътиборлиси, қиш ариб, Наврўз келганида, айни 21 март куни қишлоқ аҳлига халтада ун, бидонда мой тарқатилган экан. Энди одамлар қувончини тасаввур қилаверинг... Бу

Navro'z tilaklari

йил олтмиш тўртинчи баҳорни қарши оларканман, ҳар галгидек яна инсонлар юзидаги шодликни кўриб яна бир ёшга улғайиш ўрнига гўёки яшаргандек бўламан. Шунинг учун ҳам мен учун Наврўз шодиёналари ҳақиқий маънода яшариш байрами, десам муболаға бўлмайди.

Бу йилги Наврўз — баҳор эса мендек бир оддий ўқитувчи учун ҳадя этган ўзининг қўша-қўша туҳфалари билан қалбимнинг тўридан жой олди. Энг аввало, ўтган йили меҳнатларим халқимиз, ҳукуматимиз томонидан эъзозланиб, "Ўзбекистон Қаҳрамони" деган юксак мукофотга сазовор бўлган бўлсам, бу йил 8-март — Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, ўқувчим Гулруҳ Мухторованинг "Зулфия қизлари" қаторидан жой олиши улкан бахт эмасми?!

Таъкидлашим лозимки, ҳар йили Наврўз шодиёналари олдидан ўз изланишлари билан эришаётган ютуқлари орқали ўқувчиларимнинг менга ҳадя этаётган қувончларидан миннатдорман. Айниқса, уларнинг давлатимизнинг энг юксак мукофотларига муяссар топилаётганликларидан бошим осмонга етади. Собиқ ўқувчим, бугунги кунда эса лицейнинг ўқитувчиси Лазизбек Зокиров 1998 йилда ўта оғир вазнда бокс бўйича Жаҳон кубоги ғолиби бўлиб, "Ўзбекистон ифтихори" унвонини олган бўлса, 2000 йилда эса лицейнинг кимё фани ўқитувчиси Сайёра Муродованинг Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлиши лицей ўқувчиларининг ҳам интилишларига туртки бўлди. Натижада 2001 йилда 11-синф ўқувчимиз Дилфуза Ражабова ўқитувчиларининг анъанасини давом эттириб, у ҳам Зулфия номидаги Давлат мукофотига лойиқ топилди. Бу анъана эса гувоҳи бўлганингиздек, бу йил ҳам яна давом этди. Бу ҳам менинг, қолаверса, жамоамизнинг ютуғи эмасми? Ахир, аввалги йилларда эккан ниҳолинг баҳорда илк ҳосилдан нишона бериб, қийғос гулласа, севинчинг ичингга сиғармиди?!

Мени эзгу ишларга илҳомлантирувчи, ундаб турувчи бир куч бор. У ҳам бўлса ота-онам, устозларим олдидаги қарз, фарзандларим, шогирдларим келажагига масъуллик ҳиссидир. Истардимки, ҳар бир ўқитувчи ана шу масъулиятни шараф билиб, баҳорнинг беғуборлигию унинг гўзаллигини фарзандлар қалбига сингдиришдан толмасин!

Суратда: М.Зокиров шогирди, "Зулфия" мукофотининг 2003 йилги соҳибаси Г.Мухторова билан.

ИБРАТ - ЭНГ ЯХШИ ТАРБИЯ

Баҳорни ҳар бир киши савоб ишлар қилиб кутиб олишга ҳаракат қилмоқда. Сирғали туманидаги 318-ихтисослашган мактаб-боғча мажмуи ҳам баҳор байрамини ўзининг ибратли ишлари билан кутиб олди. Таълим муассасаси ҳудудида элликдан ортиқ туп мевали ва турли гул кўчатлари ўтказилди. Уч юз тупдан зиёд терак кўчати экиш тадбири ҳам болажонлар иштирокида амалга оширилиши кўзда тутилган. Байрамлар ўтказиш, дастурхонлар безаш ҳам ёмон одат эмас аслида. Лекин энг катта савоб, кўчат экиб, боғ яратиш - ибрат кўрсатишда эмасми? Ахир боболарнинг "Яхшидан боғ қолади", деган нақли бежиз бизгача етиб келмагандир.

Ш. ҚУРБОНОВ

ИЖОДИЙ УЧРАШУВ

Наврўз байрами арафасида Тошкент шаҳри Собир Раҳимов туманидаги 100-махсус мактаб-интернатда истеъдодли шоирлар Яҳё Тоға, Иқбол Мирзо, Ўткир Хидировлар билан ижодий учрашув бўлиб ўтди. Шоирлар болаларга ўзларининг ўқувчилик йиллари ҳақида қизиқарли воқеаларни мароқ билан сўзлаб беришди. Янги шеърларидан намуналар ўқишди. Ўқувчиларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб беришди. Янги шеърий тўпламларини мактаб кутубхонасига ҳадя қилишди. Кеча сўнгида сўз олган мактаб-интернат директори Муқаддас Мираҳмедова болаларнинг маъюс қалбига ажойиб шеърлари орқали ёруғ ва нурли туйғулар олиб кирганлиги учун шоирларга чуқур миннатдорчилик изҳор қилди.

Шоҳруҳ ҚУРБОНОВ

Bayram arafasidagi tadbirlar

ЭНГ ЯХШИ МАҚОЛАГА

энг кам иш ҳақининг 4, 6, 8 баравари миқдорида мукофот

Халқ таълими вазирлиги томонидан ҳар йили ўтказиладиган танловлардан бири аспирант, докторант ва илмий изланувчиларнинг педагогика ва психология фанлари соҳасидаги илмий мақолаларига бағишланади. Хўш, 2002 йилдаги энг яхши мақола муаллифлари кимлар бўлди?

Қори Ниёзий номидаги педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида бўлиб ўтган йиғилишда ғолиблар тақдирланди.

—Улардан беш нафарининг ана шу даргоҳ аспиранти эканлиги қувонарли ҳолдир, — дея таъкидлади маросимда халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Р.Аҳлидинов.

Дарвоқе, илм-фаннинг машаққатидан чўчимай, қайсидир мавзудаги тадқиқот устида бош қотираётган ёш олимларни ҳам руҳан, ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда бу танловнинг аҳамияти катта. Мақолада эса бугунги кундаги таълим ислоҳотларининг қандайдир қирраси очиб берилиши керак.

Шундай қилиб, педагогика ва психология фанлари бўйича энг яхши мақола ёзганлар рўйхатидан М.Муродова, Ш.Абдуллаева, А.Исимова, У.Қаҳҳоров, М.Мирмахсудова, Ф.Тожиевалар жой олишди. Улар I, II, III даражали диплом ҳамда энг кам иш ҳақининг 4, 6, 8 баравари миқдорида мукофотланишди.

Мухбиримиз

ЕТИМНИНГ БОШИНИ СИЛАШ

ҳажга боргандан афзал

Етим-есирнинг кўнглини жилла қурса ширин сўз билан кўтариш ҳам савоб иш. Қолаверса, уларни совға-салом билан сийлаш ҳажга боргандан афзалроқ деб ҳисобланади. Демак, бундай шарафга Тошкент архитектура-қурилиш институти раҳбарияти ҳам лойиқ, дейиш мумкин. Сабаби, институт ректори, Олий Мажлис депутати Бахтиёр Асқаров ташаббуси билан бир неча йилдан бери Тошкент шаҳар "Оқлон" маҳалласидаги 98-мактаб-интернатга ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

Институт бу йил ҳам Наврўз байрами арафасида таълим муассасасининг 8-синф ўқувчиларига 100 минг сўмлик дарслик, турли ўқув қуроллари ҳадя этди. Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги томонидан ташкил қилинган дастурхон ва унинг теграсидаги байрам дастури мактаб-интернат жамоасида шундай фикр уйғотди: "Меҳр-мурувват кўрсатувчиларни Яратганнинг ўзи қўлласин!"

"ФИҒОН ЧЕКМАНГ, АФҒОН ЁШЛАРИ"

дейди Тошкент автомобил йўллари институтининг иқтидорли талабалари

Афғон заминида узоқ йиллардан бери давом этиб келаётган низо-адоват ва қонли тўқнашувлар халқнинг тинка-мадорини қуритаётганлигига Тошкент автомобил йўллари институти ёшлари асло бефарқ эмас. Ён қўшнинг, жон қўшнинг фиғон чекиб турганда, унга ёрдам қўлини чўзиш, аслида ҳам халқимизнинг қадриятидир.

"Бунёдкор ёшлар" телеклуби билан ҳамкорликда институтнинг иқтидорли талаба ва магистрантлари "Афғонистон ёшларига ёрдам берайлик" мавзусида давра суҳбати уюштиришиб, хайру саховат кўрсатишларини билдирдилар. Бу ҳар кимнинг ҳиммматига ҳавола: кимдир 10 та ручка, кимдир 20 та дафтар, кимдир... Шундай қилиб, яшик-яшик ўқув қуроллари тўпланди ва у Афғонистоннинг Ўзбекистондаги элчихонасига элтиб берилди.

ЮЛДУЗНИНГ КОНЦЕРТИГА БЕПУЛ ЧИПТА

Бундай омад кимга кулиб боқди экан, албатта билгингиз келади. Ҳар йили баҳорда ўз мухлисларини янги-янги қўшиқлари билан хушнуд қилувчи Юлдуз Усмонованинг "Мени мендан сўрама" деб номланган концерт дастурини Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг бир гуруҳ талабалари бепул чипта эвазига томоша қиладиган бўлишди.

Гап нимада ўзи? "Сен ҳам соғиндингми баҳорни?" деб номланган беллашувда университетнинг "Ниҳол-1", "Ниҳол-2", "Ҳашарчилар" гуруҳлари баҳор байрами — Наврўз билан боғлиқ удумлар, қадриятларни саҳна кўринишларида ифодалаб беришди. 1, 4, 5-ётоқхона талабалари ўртасидаги баҳс-мунозаралар "Ниҳол-1" гуруҳининг ғолиб чиқиши билан якунланиб, уларга рағбат сифатида концертга чипта улашилди.

Гуруҳ таркибидаги талабалар концерт кунини орзиқиб кутишмоқда.

М.САПАРОВА,
З.ЭРНАЗАРОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабалари

РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

"ҒАЛЛАБАНК"

Барчани уйғониш фасли баҳор ва Наврўз айёми билан қутлайди!

Ўзаро самимийлик, меҳр-мурувват, хайру-саховат фазилатлари доимий йўлдошингиз бўлсин!





"ҒАЛЛАБАНК" ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН!

2003-2007 yillarda 9-sinfni bitiruvchi o'quvchilarning ta'limning keyingi bosqichida o'qishini davom ettirishi to'g'risida istiqbolli reja hujjatlari tumanlar kesimida ishlab chiqildi.

Milliy dastur —amalda

ДАВР ТАЛАБИ ВА МАСЪУЛИЯТ

Мираббос АЗИМОВ,
Тошкент шаҳар ҳокимияти ЎМКҲТ бошқармаси бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши билан бошланган мамлакатимиз таълим тизимидаги туб ислоҳотлар бугун жадал суръатлар билан давом этмоқда. Мана шу давр ичида мамлакатимиз таълим тизимида шундай мақтовга арзигули ишлар қилиндики, уларни алоҳида таъкидлаш бугун ҳар бир ўзбекистонликнинг қалбини зўр қувончу ифтихорга тўлдиради. Маълумки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқаришнинг биринчи босқичида узлуксиз таълим тизимининг ўрта бўғини ҳисобланган ЎМКҲТ тизимида қатор ижобий натижаларга эришилди.

Бугун республикада мавжуд 51 та академик лицей ва 414 та касб-ҳунар коллежидан 22 та академик лицей ва 25 та касб-ҳунар коллежи пойтахтимиз кўркига кўрк, чиройига чирой қўшмоқда. Тошкент шаҳрида энг биринчилардан бўлиб ташкил этилган ТТЕСИ, ТДШИ, ЎзМУ каби олий таълим муассасалари қошидаги академик лицейлар ҳамда Тошкент авиасозлик, педагогика, радиотехника касб-ҳунар коллежлари бу йил учинчи бор ўз қалдирғочларини учирма қиладиган бўлса, ислоҳотларнинг иккинчи йилида барпо этилган 11 та академик лицей ва 12 та касб-ҳунар коллежлари иккинчи марта, 5 та академик лицей ва 10 та касб-ҳунар коллежлари илк бора ўз битирувчиларига катта ҳаётга йўлланма беради. Шу тариқа бу йил бошқармамиз тасарруфида бўлган барча турдаги ЎМКҲТ муассасаларини 22 минг нафардан ортиқ ёш йигит-қиз турли хил мутахассисликлар бўйича битириб чиқади. Битирувчиларнинг барчасини тўлиқ иш билан таъминлаш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимиятининг бевосита ёрдамлари билан чоратадбирлар ишлаб чиқилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичи ЎМКҲТ тизими ходимлари олдида амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларни белгилаб берганлиги барчамизга маълум. Ана шундай долзарб вазифаларни бажариш мақсадида Тошкент шаҳар ЎМКҲТ бошқармаси мутахассислари томонидан қатор тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар бугунги кунда изчиллик билан амалга оширилиб келинмоқда.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими мазмунини такомиллаштириш ва унинг сифатини оширишни замон талаблари даражасига кўтаришга эришиш айни пайтда соҳа ходимлари олдида турган долзарб масалалардан биридир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш борасида иқтидорли ўқувчиларни излаш, аниқлаш ва уларни муайян фан йўналиши бўйича мақсадли тайёрлаш, республикамизнинг илмий салоҳиятини ривожлантирувчи юксак истеъдод соҳибларига ўз қобилиятларини намоён этиши ва рўёбга чиқариши учун кенг имкониятлар яратиш мақсадида ҳам қатор тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, сўнгги йиллар давомида республика фан олимпиадаси шаҳар босқичида бошқарма тасарруфидаги илм масканлари ўқувчилари муваффақиятли иштирок этиб келишмоқда. Масалан, ўтган йили 12 нафар ўқувчи совринли биринчи ўринни эгаллаб, республика босқичига йўлланма олган бўлса, ушбу кўрсаткич бу йил яна такрорланди. 2002 йил баҳорги таътил кунларида бўлиб ўтган республика фан олимпиадасида 1-Тошкент педагогика коллежи, Тошкент авиасозлик касб-ҳунар коллежи, ЎзДЖТУ, ТошПТИ, ТДТУ ва ЎзМУ каби олийгоҳлар қошидаги академик лицейлар ўқувчилари она тили ва адабиёти, француз тили, биология, кимё, ўзбек гуруҳларида рус тили ва чизмачилик фанлари бўйича 1-2-ўринларга сазовор бўлишди.

ЎМКҲТ бошқармаси тасарруфидаги илм масканларида таълим мазмунини кўтариш ҳамда педагог кадрларнинг малакасини ошириш мақсадида 73 та таянч таълим муассасаларида 23 та умумтаълим ҳамда 27 та махсус таълим фанларидан доимий ҳаракатдаги малака ошириш курслари ташкил этилди. Ҳозирги кунда ушбу курсларда 5152 нафар ўқитувчи ўзларининг касб маҳоратларини оширишмоқда. Улардан 2920 нафари умумтаълим фанлари, 2232 нафари махсус фан ўқитувчилари бўлиб, бу кўрсаткич жами педагогларнинг 95 фоизини ташкил этади. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиларининг жойларда ташкил этилган доимий ҳаракатдаги малака ошириш курслари фаолияти доимий равишда ҳар томонлама ўрганилиб, таҳлил қилинмоқда. Тайёр ҳолга келтирилган 15 та маъруза матнлари ва 25 та услубий қўлланмалар нашрга берилди. Машинасозлик, қурилиш, енгил саноат ва озиқ-овқат йўналишларида фаолият кўрсатаётган малака ошириш курсларига амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Машғулотлар маъруза, семинар, давра суҳбати, қизиқарли учрашув, баҳс-мунозара, экскурсиялар, касбий маслаҳатлар, кўрик-танловлар, очиқ дарслар, ҳимоялар, амалий ва мустақил ишлар, кўчма машғулотлар тарзида олиб бориляпти. Жойларда ташкил қилинган доимий ҳаракатдаги малака ошириш курсларининг ўзига хос томони шунда бўлаяптики, тингловчи-ўқитувчилар бу жараёнда ўз мутахассисликлари, яъни, дарс ўтаётган фани бўйича ўқув матнларини тайёрладилар ва уларни касбдошлари олдида ҳимоя қиладилар, ўқитишнинг замонавий технологиялари элементларини дарс жараёнида самарали фойдаланишни ўрганмоқдалар.

Таълим жараёнига янги педагогик технологиялар элементларини, ўқитишнинг ноанъанавий шаклларини жорий қилиш айни чоғда энг долзарб масалаларнинг биридир. Бу борада илғор ўқитувчиларнинг янги технологияларни қўллаш тажрибалари оммалаштирилмоқда.

Таълим муассасаларининг барчасида кутубхоналар мавжуд бўлиб, китоблар жамғармаси 1951768 тани ташкил этади. Шундан 278399 таси умумтаълим фанлари, 547869 таси махсус фанлар, 1125500 таси бадиий, ижтимоий-сиёсий адабиётларни ташкил этади. Таълим муассасаларимиз кутубхоналарида 3716 ўқувчи ўринли қироатхона мавжуд бўлиб, 20 та кутубхона компьютер, ксерокс — нусха кўчириш каби замонавий техник воситалар билан тўлиқ таъминланган. Шу кунгача ЎМКҲТ Маркази ўқув адабиётлари таъминоти бўлими томонидан академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун 236.632 дона 288.044.884 сўмлик ўқув адабиётлари, қўлланмалар берилиб, улар барча таълим муассасаларига тарқатилмоқда. Шунингдек, ҳомий ташкилотлар томонидан 6 млн. 314 минг 289 сўмлик, таълим муассасалари томонидан эса 7 млн. 865 сўмлик ҳажмда 10689 та ўқув адабиётлари сотиб олинган.

Бошқарма тасарруфидаги 20 тадан ортиқ таълим муассасаси дунё ахборот тизимидан кенг фойдаланишлари учун халқаро Интернет тармоғига уланган. Ҳар бир академик лицей ўз йўналиши бўйича олий таълим муассасаси ва Ўзбекистон Фанлар академияси қатор илмий-тадқиқот институтлари билан узвий алоқада иш олиб бормоқда.



Тошкент шаҳар ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва педагогик-психологик ташхис маркази билан ҳамкорликда пойтахтимиз туман мактаблари 9-синф битирувчиларини касбга йўналтириш бўйича тарғибот ишлари ҳам давом эттирилмоқда. Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси билан биргаликда мактаб ўқувчиларини касб-ҳунарга йўналтириш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида қўшма буйруқлар чиқарилди. Бундан ташқари, 2003-2007 йилларда 9-синфни битирувчи ўқувчиларнинг таълимнинг кейинги босқичида ўқишини давом эттириши тўғрисида истиқболли режа ҳужжатлари туманлар кесимида ишлаб чиқилди.

ЎМКҲТ бошқармаси тасарруфидаги таълим муассасаларининг пойтахтимизда фаолият кўрсатиб келаётган қўшма ва маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлик алоқалари яхши йўлга қўйилган бўлиб, ўқувчи-талабаларнинг ўқув-ишлаб чиқариш амалиётларини ўташлари борасида ўзаро ҳамкорлик шартномалари тузилган. Бугунги кунга келиб 440 тага яқин ана шундай шартномалар имзоланган. Буларнинг сирасига агротижорат касб-ҳунар коллежининг «MUZIMPEX — TIJORAT» унитар корхонаси, туризм коллежининг «Интерконтиненталь» меҳмонхонаси, «AST», «Юонанис тур», «Атлантида тур» корхоналари, транспорт коллежининг «Алгоритм», «Автотрансдиспросервис», «Тошкент-Лада» каби корхоналар билан ҳамкорлик алоқаларини киритса бўлади. Шу ўринда алоҳида таъкидламоқ жоизки, Қўйлиқ маиший хизмат касб-ҳунар коллежи раҳбарияти айни пайтда 70 тадан ортиқ маҳаллий ва қўшма корхоналар ҳамда қатор ташкилотлар ва ҳокимликлар билан яқиндан алоқа ўрнатишга эришган. Аммо, айрим таълим муассасаларимиз раҳбарлари ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга жиддий эътибор беришмаётир, имзоланган шартномалар қоғозда қолиб кетмоқда, бунинг натижасида ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётлари талаб даражасида ташкил этилмаяпти, айрим ҳолларда тузилган шартномалар қоғозда қолиб кетмоқда.

Барча таълим муассасалари раҳбарларининг касбга йўналтириш бўйича ўринбосарлари билан биргаликда олий ўқув юртлари ўртасида шартномалар тузиш ҳамда илм масканларида ўқув-ишлаб чиқариш амалиётларини қандай ташкил қилиш, шунингдек, касб-ҳунар коллежларининг иш берувчилар билан амалга ошириши лозим бўлган вазифалари хусусида қатор семинарлар уюштирилди.

Бугунги кунда, айниқса, умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синфини битираётган ёшларни кўпроқ ўқишга жалб қилиш мақсадида ҳар бир таълим муассасасининг оммавий ахборот воситалари орқали олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишларининг аҳамияти катта бўлмоқда. Ҳозирги кунга келиб бошқармамиз тасарруфидаги таълим муассасаларида жами 11 та йўналиш ва 140 тадан ортиқ мутахассисликлар бўйича 85 мингдан зиёд ўқувчилар таҳсил олишмоқда.

Янги ўқув йилида эса таълим муассасаларимизнинг барчаси пойтахтимиз умумий ўрта таълим мактабларининг қарийб 30 мингга яқин битирувчиларига ўз бағриларини очади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЯТИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон халқи ҳамда мамлакатимиз таълим тизимининг барча бўғинларида фидокорона меҳнат қилиб келаётган устоз-мураббийларни

21 МАРТ — НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ

билан самимий муборакбод этади.

Серқуёш диёримизда ёш авлод таълим-тарбияси билан шуғулланишдек ҳам шарафли, ҳам машаққатли меҳнатингиз ҳамиша эл-юрт олқишига сазовор бўлсин!

ИРОҚ: ҲАРБИЙ ҲАРАКАТЛАР ХРОНИКАСИ

• 20 МАРТ

Тошкент вақти билан эрталаб 6^{00} да Вашингтоннинг Бағдодга қўйган ультиматуми вақти тугади ва у Саддам Ҳусайн томонидан бажарилмади. Орадан икки соат вақт ўтгач, АҚШ Президенти Жорж Буш миллий телеканал орқали Ироқда Саддам тузумига қарши ҳарбий ҳаракатлар бошланганини эълон қилган. Соат 7дан 35 дақиқа ўтганда Қизил денгиз ҳавзасида жойлашган кемадан дастлабки ракета Бағдод ҳудудига келиб тушди. Орадан 25 дақиқа ўтиб, иккинчи ҳаво зарбаси берилди. Яна ярим соатлар чамаси вақт ўтгач Бағдодга келиб тушган учинчи ракетадан сўнг Ироқнинг ҳаво ҳужумига қарши объекти зарарланди. Шаҳарда ҳарбий ҳолат юзага келди.

● Соат 10дан 35 дақиқа ўтганда Саддам Ҳусайн телевидение орқали мамлакат аҳолисига мурожаат билан чиқиб, халқни антиироқ коалициясига қарши туришга чақирган.

● Соат 13^{00}. Ироқ Қувайт ҳудудига иккита ракета зарбаси уюштирди. Жабрланганлар бўлмаган.

● 14^{00}. Ироқ кўчаларидан бирида содир этилган портлаш оқибатида бир киши ҳалок бўлган.

● 14^{15}. Ироқ жанубида 5 та нефть скважиналарида ёнғин бошланган. Ёнғин сабаблари аниқ эмас.

● 14^{40}. Эрон Ироқ билан ўз чегараларини ёпиб қўйди.

● 17^{30}. АҚШ томонидан Ироқда олиб борилаётган ҳарбий ҳаракатлар БМТнинг хавфсизлик кенгаши томонидан 1991 йилда қабул қилинган 687-резолюцияга асосланган "Саҳродаги бўрон" операциясининг давоми, дея фикр билдирган АҚШнинг Россиядаги фавқулодда ва мухтор элчиси А.Вершбоу.

● 18^{25}. Ироқ жанубида мажбурий қўнишни амалга оширган АҚШ ҳарбий вертолёти бортида бўлган экипаж аъзолари қутқарилган. Вертолёт Ироқ ҳарбийлари қўлига ўтиб қолмаслиги учун портлатиб юборилган.

● 19^{25}. Ироқ билан Қувайт чегарасида учувчисиз шпион-самолёти қулаб тушган. Ҳалокат сабаблари аниқланмаган.

● $21.^{15}$. Туркия парламенти АҚШ ҳарбий ҳаво кучларига ўз ҳаво ҳудудларидан Ироққа қарши операцияларда фойдаланиш учун рухсат берган.

● 22^{45}. Америка қуруқликда ҳаракатланувчи қўшинлари Ироқ ҳудудига кириб борди.

● 23^{05}. Ироқ мухолиф кучлари Саддам Ҳусайннинг кичик ўғли Кусай Ҳусайн артиллерия ҳужумлари натижасида қурбон бўлганлиги ҳақида хабарлар тарқатди.

● 23^{40}. Американинг Ироқда олиб бораётган ҳарбий ҳаракатларига Британия кучлари қўшилди.

21 МАРТ

● **Соат 02^{00}. Туркия Ироқ билан чегара ҳудудларига оммавий қирғин куролларидан ҳимояланишга мослашган махсус кучларини ташлаган.**

● **02^{30}. Жорж Буш дунё мамлакатларининг Ироқ билан дипломатик муносабатларини вақтинча тўхтатиб туришга чақирган.**

● **03^{40}. Тони Блэр аҳолига мурожаатида Ироққа қарши ҳаракатларда Буюк Британиянинг иштирокидан мақсад Саддам Ҳусайн режимини йўқ қилишга қаратилганини таъкидлаган.**

● **04^{10}. Қувайт Ироқ томонидан ўз ҳудудига тўққизта ракета отилганлигини ва бу ҳеч қандай йўқотишга сабаб бўлмаганини эълон қилди.**

● **06^{30}. АҚШ ва Буюк Британия ҳарбий кучлари Ироқнинг жанубий чегараларини кесиб ўтиб, ҳарбий ҳаракатларни бошлади.**

● **07^{30}. АҚШ дастлабки йўқотишга дуч келди. Қувайтда бортида денгиз пиёдалари бўлган вертолёт ҳалокатга учради. 16 киши ҳалок бўлди.**

Халқ таълими вазирлиги таълим муассасаларига компьютер техникалари сотиб олиш учун тендер ўтказиш тўғрисида илгари чоп этилган эълондаги Танловга таклифлар қабул қилиш муддатини 2003 йил 7 апрель соат 16.00 га қадар узайтирилганлигини маълум қилади.

СИРТҚИ МАТЕМАТИКА МАКТАБИГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Миллий Университети механика-математика факультети қошида сиртқи математика мактаби ўз ишини бошлаш арафасида. Сиртқи мактабга ҳозир 9-синфда ёки академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг 1-курсида ўқийдиган ўқувчилар қабул қилинади. Сиртқи мактабга қабул қилиниш учун ўқувчилар ариза ва 8-синфдаги ёки 9-синфдаги (академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқийдиганлар учун) йиллик баҳолари ҳақида маълумотнома юборишлари керак. Сиртқи мактабда ўқиш (бепул) сиртдан 3 йил давомида олиб борилади.

Ўқиш давомида ўқувчиларга топшириқлар юборилади ва ўқувчиларнинг жавоблари текширилиб, баҳоланиб борилади. Ўқиш охирида мактабни битирганларга гувоҳнома берилади.

Азиз ўқитувчилар, агар Сиз ўқитаётган мактабда математикага қизиқувчи ва математика соҳасидаги билимларини оширмоқчи бўлган ўқувчилар бўлса, уларга бизнинг мактабга ариза ёзишни тавсия қилинг. Аризалар 15 апрелгача қабул қилинади. Ўз манзилингизни аниқ ёзишни унутманг.

6x8=?

24±12=?

36>32

Манзилимиз:
700174, Тошкент шаҳри
Талабалар шаҳарчаси
ЎзМУ, механика-математика факультети
Сиртқи математика мактаби (СММ)

(Давоми. Боши газетамизнинг шу йилги 17-сонида)

— Унинг чўпонлик қилгани маъқул эди, — деди Сантяго.

— Бу ҳақда у ўйлади. Бироқ сўнг яхшиси савдо-сотиқ билан шуғулланишга қарор қилди. Савдогарларнинг бошида капаси бор, чўпон-чўлиқлар эса очиқ далада тунайди. Қизларнинг ота-оналари ҳам куёвлари чўпон эмас, савдогар бўлишини хоҳлашади.

тўғри қарор тарзида, гоҳида маъқул фикр тарзида. Гоҳида эса, ҳал этувчи дақиқада, мен боши берк кўчадан чиқиш йўлини айтаман. Барини эслаб қололмайсан. Бироқ одатда одамлар менинг пайдо бўлганимни пайқашмайди.

Қария ўтган ҳафта бир тилла қазувчи қошида тош шаклида пайдо бўлгани ҳақида ҳикоя қилди. Бир пайтлар бу одам ҳаммасини ташлаб, зумрад қазиб топиш учун йўл олган. Дарё қирнинг учун улар бундан жуда эрта воз кечишар. Олам ҳам, ахир, шундай қурилган.

Шу пайт бўз бола уларнинг гурунги хазина ҳақидаги гапдан бошланганини эслади.

— Маъданни сой ва дарёлар юзага олиб чиқади, айни сой ва дарёлар уларни ер қаърига беқитади, — деди қария. — Агар ўзингнинг хазинанг ҳақида батафсил билгинг келса — сурувингдаги қўйларнинг ҳар ўнтасидан бирини менга бер.

га йиғишга қурби етмасди. Қария билан мулоқотдан ҳаяжонланганди, чунки унинг кўнгли сезди: қария ҳақиқатни гапирди-да. Бўз бола чакана савдо қутиси ёнига борди ва бир қоғоз халтача макка- бодроқ сотиб олди, сотувчига қариянинг у ҳақдаги гапини айтсаммикан, деб ўйлади, кейин шарт эмас, деган қарорга келди.

«Баъзида ҳаммасини ўз ҳолича қолдирган маъқул», — деб ўйлади у. Айтсанг — сотувчи,

тушди ва туйқусдан уларнинг ёнига тезроқ боргиси келиб қолди. Икки йилда у чўпонлик санъатини эгаллади ва чорвани миридан-сиригача — қўй қирқишни-ю қўзилатишни, сурувни бўрилардан асрашни билиб олди. Андалусиянинг яйловлари энди унга беш бармоғидай таниш, отаридаги хоҳлаган қўйининг нархини аниқ баҳолай билади.

У ўзини кутаётган сурув қамалган қўтонга энг узоқ йўлдан жўнади. Бу шаҳарнинг ҳам ўз қалъаси бор эди, бўз бола қияликдан кўтарилиб, қалъа деворига чиқиб ўтиришга қарор қилди. У жойдан Африка кўринарди. Бир пайтлар кимдир унга қадим замонда Африкадан маврлар сузиб келишиб, сал бўлмаса Испанияни бус-бутун маҳв этишганини уқтирганди. Сантяго маврларга тоқат қилолмасди: бу ерга лўлиларни шулар олиб келган бўлиши керак.

Девордан бутун шаҳар, ҳалигина у қария билан гурунглашиб турган бозор майдони кафтдагидай кўриниб турарди.

«Қайси гўрданам уни учратдим», — ўйлади бўз бола. Ҳамма бало лўли кампирнинг тушни таъбирлаганидан бошландида. На лўли, на қария унинг чўпон эканига аҳамият берди. Ҳа, ҳамма нарсадан кўнгли совиган бу ёлғиз одамлар чўпон деган зот қўй билан тирик эканини қайдан билсин. Сантяго сурувидаги ҳар қайси қўйнинг, бир қарашда, ичи-сиртини айтиб бера олади: униси — қисир, наригиси икки ойдан сўнг қўзилайди, ҳов, четдагилари — сурувнинг энг судралганлари, ялқов. У қўйларни қирқишни, бўғизлашни уддалайди. Агар бирор ёққа кетгудай бўлса, қўйлари уни қўмсайди, эгасиз бўлиб қолади.

(Давоми бор)

Аҳмад ОТАБОЕВ таржимаси

Пауло КОЭЛО **Роман**

АЛКИМЕГАР

Сантяго мовутчининг қизини эслади ва юрагига игна санчилгандай бўлди. Албатта, қиз яшаётган ўша шаҳарда кимдир қизил кажава билан изғиб юргандир.

— Бундан келиб чиқадики, одамларнинг чўпонлар ва сарабодроқ сотувчилар ҳақидаги фикрлари Тақдир йўли ҳақидаги фикрдан муҳим экан-да.

Қария яна китобни варақлади ва афтидан, ўқий бошлади. Сантяго узоқ кутди, кейин бари бир қарияни чалғитишга қарор қилди, — чунки олдин чол ҳам уни китобдан чалғитганди:

— Нима учун сиз мен билан бу ҳақда гаплашаяпсиз?

— Чунки сен ўзингнинг Тақдиринг йўлидан боришга уриндинг. Бироқ ҳозир ундан чекинишга тайёрсан.

— Сиз ҳар доим шундай дақиқаларда пайдо бўласизми?

— Ҳар доим. Боз устига бошқа шаклу шамойилда ҳам кўринишим мумкин. Гоҳида ғоғида беш йил роса тер тўккан ва бир дона бўлса-да, зумрад топарман, деб 999 999 тошни майдалаган. Ва шунда ҳафсаласи пир бўлиб, орзусидан воз кечишга аҳд этган, бу пайт унинг пойида фақат биттагина тош қолганди — ва у шу тошнинг ичидан ўзининг зумрадини топарди. Шунда қария аралашишга ва ўз йўлидан мардона кетаётган тилла изловчига ёрдам беришга қарор қилди. У тошга айланди, унинг оёғи остига юмалаб келди, бироқ тилла изловчи, беш йилдан бери бесамар тер тўкаётганидан ғазабга миниб, оёғи билан тошни тепиб юборди. Бироқ шундай куч билан тепдики, тош бошқа бир тошга урилганча ёрилиб, дунёда тенгсиз гўзал зумрад, қуёш нурида ярақлаб кетди.

— Одамлар, уларнинг назарича, ҳаётлари моҳиятини жуда эрта билишади, — деди қария ва Сантяго унинг кўзларидаги ғамни илғади. — Эҳтимол, шу-

— Балки топсам, ўша хазинанинг ўндан бирини берганим тузукдир?

— Қўлингда йўқ нарсани ваъда қилиш, уни қўлга киритишга жаҳд этиш, демак, — деди қария гинали оҳангда.

Шунда Сантяго сурувининг ўндан бирини лўли кампирга аллақачон ваъда қилганини айтди.

— Лўлилар ҳақини ундиришни билади, — хўрсинди қария. — Нима бўлганда ҳам, билиб қўйганинг тузук, дунёда ҳар бир нарсанинг ўз баҳоси бор. Нур Аскарлари айни шунга ўргатишга интилишади. — У Сантягога китобни узатди. — Эртага шу вақтда сен сурувингнинг ўндан бирини қошимга ҳайдаб келасан. Шунда мен хазинани қандай топишни айтаман.

Ва шундай деб, у муюлишда кўздан ғойиб бўлди.

Сантяго яна китобни қўлига олди, бироқ мутолаага киришолмади — диққатини бир жойғилдиракли қизил қутисига ўрганиб қолганига қарамай, уч кунлаб ўйланиб юради — бу ишнинг баҳридан ўтсаммикан, деб. «Уни бундай азобдан холос этганим бўлсин».

Шундай ўй билан Сантяго кўча бўйлаб, боши оққан томонга қараб кетди, охири бандаргоҳга келиб қолди, чоғроққина уйчанинг ёнидан чиқди. Уйчада Африкага борадиган кемаларга патта сотишарди. Дарвоқе, Миср айнан Африкада.

— Сизга нима керак? — сўради паттафуруш.

— Эҳтимол, эртага сиздан патта харид қиларман, — жавоб қилди Сантяго ва нари юрди.

Биттагина қўйни сотсанг бас, қарабсанки, Африкадасан. Бу фикр унинг кўнглига ғулғула солди. Паттафуруш эса ёрдамчисига гап қотди:

— Яна битта хаёлпараст. Саёҳат қилгилари келибди, киссасида ҳемири йўқ.

Сантяго паттахона токчаси олдида тураркан, қўйлари ёдига

Bolalar sporti

БАДАНТАРБИЯ — ЖАСУРЛИК ВА КОМИЛЛИК МЕЗОНИ

— Бу исбот талаб этмас ҳаётий ҳақиқат, — дейди суҳбатимиз аввалида Учқўрғон туман ҳокимининг ўринбосари Ҳанифахон опа Абдуғаниева. — 2003 йил арафасида Ўзбекистонда болалар спортини янада ривожлантиришга қаратилган Президентимиз Фармони бизни кундалик фаолиятимизда муҳим дастуруламал бўлаяпти.

Шу аснода янги йилнинг дастлабки кунларидаёқ туман ҳокимлигида жамоатчилик ва фаоллар иштирокида кенг кўламли аниқ тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Табиийки, бу кенг қамровли тадбирлар рўёби сўзсиз молиявий таъминланишни талаб этади. Шу мақсадда янги ташкил этилган "Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси" ҳисобига қисқа муддатда 28 миллион сўм маблағ ажратилди.

Унинг икки миллионини саховатпеша юртдошларимизнинг ҳиссалари ташкил этади. Бу борада ўттиз мингдан эллик минг сўмгача ўз ҳисобларидан маблағ ажратган Садриддин Исмоилов, Абдулаҳад Саттибоев, Баҳриддин Ҳасановларнинг бағрикенглиги таҳсинга лойиқ.

Энди амалий ишларимиз кўлами ва мазмунига тўхталсак. Сўзсиз булар, энг аввало, ўқувчи ёшларимизни бевосита сиҳат-саломатлигини яхшилашга қаратилганини таъкидламоқчиман.

Вилоят халқ таълими бошқармасининг кўрсатган амалий ёрдами туфайли туман марказидаги "Пахтакор" спорт мажмуамиз қошида янги спорт мактаб-интернати ишга тушди. 220 нафар ўқувчига мўлжалланган мазкур билим даргоҳида барча шарт-шароит мавжуд. Спортга ҳавасманд болалар кураш, бокс, катта теннис билан мунтазам шуғулланиш имконига эгадирлар.

Шунингдек, келгусида "Янгиобод" ҳамда "Яшчикобод" ширкат хўжаликларида ҳар бири бир ярим гектардан майдонни эгаллаган замонавий спорт мажмуалари барпо этилиши кўзда тутилган.

Баҳорнинг дастлабки кунларида Қўғай шаҳарчасида ана шундай спорт иншоотининг биринчи ғишти қўйилиб, иш бошланди.

Шунингдек, мавжуд 43 та мактаб ва 47 та мактабгача таълим муассасаларимизнинг бугунги аҳволини атрофлича ўрганиб чиқдик. Ва улардаги футбол, волейбол, баскетбол ва бошқа спорт майдончалари, қишки залларни қайта, сифатли таъмирлаш учун ҳомий ташкилотлар бириктирилди.

Ўқувчи-ёшларнинг мактабдан ва уй юмушларидан бўш пайтларини банд этиш мақсадида тумандаги 61 та маҳалла фуқаро йиғинларининг гузар ва гавжум жойларида ҳам мўъжазгина спорт майдончалари ва бошқа ўйингоҳлар қуриш режалаштирилган.

Туманимиздаги 130 мингдан ортиқ аҳолининг деярли тўртдан бирини мактаб ва мактабгача ёшдаги ўғил-қизлар ташкил этиши бизнинг зиммамизга алоҳида эътибор билан қарашни тақозо этади.

Ҳозирда турли секциялар сони кўпайтирилди. Улар ўзининг дастлабки самарали натижаларини бераяпти. Масалан, спорт устаси Зайнобиддин Йўлдошев етакчилигидаги курашчи қизларимиз вилоятда пешқадам бўлиб, республика беллашувида муваффақиятли иштирок этдилар.

Нафақат вилоятимиз, балки Фарғона водийсида пешқадам ҳисобланган "Ҳумо" чим устида хоккейчи қизларимиз довруғи бутун республикамизга маълуму машҳур.

Ниятимиз, бу "Ҳумо"чилар сафига жажжи қизалоқларни жалб этиб, маҳоратли спортчилар сафини кўпайтиришдир.

Асқарали МАМАТОВ ёзиб олди.

ЗАФАР ВА ЗАВҚ ДАВОМИЙ БЎЛСИН!

Кўкламнинг хосияти мўл: у кўп амалларни бошлаб келади. Янги мавсумларни бошлаб берувчи бу фаслнинг футбол ишқибозлари учун ҳам таровати ўзгачадир. Чунки айни маҳалда мамлакатимизда бошланувчи футбол мавсуми йил сўнгига қадар давом этади. Айтиш ўринлики, жорий йилда миллионлар спорти мавсуми бироз эртароқ бошланди. 9-13 март кунлари Тошкентда Осиё чемпионлар лигасининг "Д" гуруҳи учрашувлари бўлиб ўтиши ва унда пойтахтимизнинг "Пахтакор" жамоаси зафар қучгани мухлисларга олам-олам завқ бахш этган бўлса, 18 март куни мамлакат миллий чемпионати бошланиши футболни соғинган дилларни янада қувонтирди. Эътиборли томони шундаки, мамлакат XII миллий чемпионати очилишидаги "Пахтакор"—"Қўқон-1912" жамоалари учрашувидан олдин ОЧЛ "Д" гуруҳида биринчи ўринни олиб, ярим финалга йўл олган "Пахтакор" жамоасининг ўн бир нафар ўйинчисига юртимиз автомобилсозлигининг янги тури — "Матиз" автомобили калитлари топширилди. Айтиш жоизки, энди Осиё чемпионлари лигасининг ярим финалида 8 ва 22 апрел кунлари Таиланднинг "Бек теро" жамоаси билан уй ва меҳмон тизимида ўйнайдиган пойтахтимиз жамоаси Қўқоннинг "Қўқон-1912" жамоасига қарши асосан ёшлар таркиби билан ўйнаган бўлса-да, йирик ҳисобда ғалаба қозонишди — 5:1. Шу куни яна малакатимизнинг етти шаҳрида XII миллий чемпионат очилиши бўлиб ўтди ва унда ўйнаган жамоалар қуйидаги натижаларни қайд этдилар: "Самарқанд" —"Қизил-қум" 1:0, "Насаф" — "Сурхон" 3:0, "Бухоро" — "Цементчи" 1:1, "Андижон" —"Дўстлик" 1:1, "Трактор" —"Металлург" 1:0, "Навбаҳор" —"Машъал" 2:0, "Нефтчи" — "Гулистон" 4:0.

Иккинчи тур ўйинлари эртага бўлиб ўтади.

Шерали МАҲМАРАЙИМ ўғли

Наврўз айёми билан барча ватандошларни самимий муборакбод этамиз!

Наврўз шодиёналари ҳамиша тинчлик, яхшилик, меҳр-шафқат ва бунёдкорлик рамзи бўлиб келган. Ана шундай эзгуликларга йўғрилган айём ҳар бир зиёли, ўқитувчи ва мураббий, талаба-ўқувчи ҳамда бутун халқимиз қалбига қувонч, хонадонига тинчлик, қутбарака ва фаровонлик бахш этсин!

Каттақўрғон педагогика коллежи

Milodiy yildan muchal yilini chiqarish uchun tug‘ilgan yilga 9 soni (bu son muchalning birinchi yili bilan milodiy birinchi yil orasidagi farq) qo‘shilib, yig‘indi 12 ga bo‘linadi.

Moziydan bir shingil

МУЧАЛ ҲАҚИДА БИЛАСИЗМИ?

Аждодлардан авлодларга умрбоқий мерос бўлиб қолган мучал йил ҳисоби усули ҳануз ўз аҳамиятини йўқотган эмас. У турмушимизда ҳамон қўлланилмоқда. Йил ҳисоблашнинг бу усули ҳақидаги маълумотлар, унинг ёддан кўтарилаётган айрим жиҳатлари вақти-вақти билан эсга олиниб, хотирада тиклаб борилса, фойдадан холи бўлмайди.

"Мучал" сўзининг маъноси нима? Туркий тиллар луғат бойлигида мавжуд бўлган кўп маъноли "муча" оти "муча" феъли билан ўзакдошдир. Масалан, қирғиз тилидаги мучу — туғилган йилига етмоқ (ўн учундў мучўду, андин кейин кучўду — ўн учида йилига етди, ундан кейин куч олди) феълидан ҳосил бўлиб, қуйидаги маъноларда қўлланилади: 1. Ҳар бир йил бир ҳайвон номи билан аталувчи ўн икки йиллик давр. 2. Ўн икки йиллик билан аталувчи ҳар бир йилнинг номи. 3. Тавалуд санаси, туғилган йил. Бунда ёш йил тўлганда эмас. (ҳозиргидаги каби), балки мучал даври муддатига етганда нишонланган. Одамлар ўзларининг, ота-оналарининг, бошқа оила аъзоларининг, шунингдек, машҳур кишиларнинг мучал йилларини эсда сақлашган. Мучал орқали ёш ва йил суриштирилган бўлиб, ўтган муҳим воқеа-ҳодисалар санаси аниқланган. Бу анъана туркий халқларда, айниқса кекса авлод вакиллари ўртасида ҳануз давом этиб келмоқда.

Йилни ўн икки ҳайвон номи билан аташ одати ва 12 йиллик давр билан вақт ҳисоблаш анъанасига қадимги Хитойда асос солинган. Агар Хитойда астрономик кузатишлар милоддан аввалги II мингинчи йиллар ўртасидан бошланганлигини эътиборга олсак, мучалнинг 3,5 минг йиллик тарихи аёнлашади. Мучал ҳисобини аввало туркий ва мўғул халқлари ўзлаштиришган. Салжуқ туркларида (XI-XII асрлар) ва айниқса, мўғуллар ҳукмронлиги даврида (XIII-XIV асрлар) мучал ҳисоби Эрон ва Афғонистонда ҳам тарқалган.

Ҳар бир халқ мучалнинг жорий бўлишини ўз турмуши билан боғлаб талқин қилади. Ўн биринчи асрнинг етук алломаси Маҳмуд Қошғарий ўзининг машҳур "Девону луғотит турк" асарида мучал йилининг туркий нақли ҳақида қуйидагича ривоятни келтиради: "Турк ҳоқонларидан бири бундан бир неча йиллар аввалги уруш тарихини ўрганмоқчи бўлади. Шунда у уруш бўлиб ўтган йилни аниқлашда янглишади. Бу масала юзасидан ҳоқон қавмлари билан кенгашиб: "Биз бу тарихни аниқлашда қанчалик янглишган бўлсак, биздан кейин ҳам шунчалик янглишадилар. Шундай бўлгач, биз энди ўн икки ой ва ўн икки ҳайвон сувдан ўтибди. Ўн икки йилни ана шу ҳайвонлар номи билан аташибди. Энг олдин сичқон сувдан сузиб ўтибди. Шу сабабли дастлабки йил унинг номи билан сичқон йили деб, ундан кейин сувдан кечиб ўтган ҳайвонлар номи билан кейинги йиллар аталибди".

Беруний 1030 йилларда ёзган "Қонуни Масъудий" асарида айтади: "Шарқ аҳли — хитойлар ва турклар ўз йилларини ўн иккидан иборат давр тарзида тузадилар ва уларни ҳайвон номлари билан атайдилар ҳамда маълум тартибда жойлаштирадилар. Лекин мен бу давр истилоҳийми ёки Қуёш ва Ойнинг ҳаракатлари билан аниқланадиган бирор миқдорлардан келтириб чиқарилган эканлигини аниқлай олмадим". Гарчи Беруний мучал ҳисобининг асл сабабини аниқлай олмаган бўлса ҳам, тахмини ҳақиқатга анча яқин туради. Гап шундаки, бу 12 йиллик ҳайвоний даврга Муштарий(Юпитер)нинг Қуёш атрофида битта тўлиқ айланиши учун кетадиган муддат — 12 йил қабул қилинган ва ҳар бир йил маълум ҳайвон номи билан аталган.

Милодий йилдан мучал йилини чиқариш учун туғилган йилга 9 сони (бу сон мучалнинг биринчи йили билан милодий биринчи йил орасидаги фарқ) қўшилиб, йиғинди 12 га бўлинади. Бўлув амалидан кейинги қолдиқ сон мучал ҳисобидаги 12 ҳайвон номидан тартиб бўйича қайси бирига тўғри келса, қидирилган мучал йили ўша бўлади. Масалан, 2003 йилда туғилганларнинг мучали қуйидагича топилади: 2003 + 9 = 2012:12=167 қолдиқ — 8.

8 сони мучал ҳисобида тартиб бўйича Қўй йилига тўғри келади. Демак, 2003 йилда туғилганларнинг мучали қўйдир (бу ҳисоб 22 мартдан кейин туғилганлар учун, 22 мартгача туғилганларнинг мучали эса отдир).

Абдували ДЎСТОВ,
Қарши давлат университети ўқитувчиси

"НАВРЎЗ" СКАНВОРДИ

Тузувчи:
Тожиали УМАРОВ



Мактабгача таълим муассасаси раҳбар ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Республика ўқув-методик Марказида 2003 йилнинг апрель ойида қуйидаги тоифалар бўйича курслар режалаштирилган:

1. Мактабгача таълим муассасаси мудиралари курси — 1-28 апрель (24 кун)
2. Мактабгача таълим муассасаси услубчилари курси — 1-28 апрель (24 кун)
3. Мактабгача таълим муассасаси мусиқий раҳбарлари курси — 7-24 апрель (18 кун)

ЭСЛАТМАЛАР:

1. Тингловчилар Марказнинг янги таъмирланган, шинам, барча қулайликларга эга бўлган меҳмонхонасига жойлашадилар. Марказ қошидаги кутубхонадан фойдаланадилар. Машғулотлар республикадаги таниқли педагог олимлар, ўқув дастури ва дарсликлар муаллифлари, малакали, етук мутахассислар томонидан олиб борилади.
2. Тингловчиларнинг сафар гувоҳномасида юқорида қайд қилинган курслардан қайси бирига юборилгани ҳамда лавозими аниқ кўрсатилган бўлиши ва режада кўрсатилган муддатда етиб келишлари лозим.
3. Тингловчиларнинг хизмат сафари харажатлари мактабгача таълим муассасаси раҳбар ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Республика ўқув-методика Маркази ҳисобидан тўланади.

Манзил: Тошкент-95. Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси 6-уй.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жўманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-210. Тиражи 32240. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир: Нурлан УСМОНОВ. Навбатчи: Баҳодир ЖОВЛИЕВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
Ⓜ белгиси остида реклама материаллари берилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00